

**ИСТИҚЛОЛ
БЕРГАН БАХТ**

8



**Ватан тузин
Оқламак лозим**

РЕСПУБЛИКА ИИВ АКАДЕМИЯСИ УҚТУВЧИСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЕЗУВЧИСИ ТОХИР МАЛИК БИЛАЛ СУХБАТ



INV.N


16

2010 йил Африкада
ўтадиган навбатдаги
Жаҳон чемпионатининг
ЛОГОТИПИ

21



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!




ПОСЕМГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 15 июль, шанба • 28 (3662)-сон



**ЎЗДЭУАВТО:
АВТОМОБИЛСОЗЛИК
САНОАТИНИНГ ГУЛТОЖИ**



POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ФАХРИЙЛАРГА ТАЪЗИМ

Юрт тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилиб, фидокорлик кўрсатган ички ишлар ходимларига ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак арзийди. Чунки бу инсонлар ўзларининг хизматлари мобайнида бор куч-ғайратларини она-Ватан олдидаги шарафли бурчларини бажариш йўлида сарфлашган.

Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган 18 нафар ходимни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, полковник Қ. Нақибов нафақага кузатилаётганларнинг самарали хизматлари учун раҳбарият, шогирдлар ва сафдошлар номидан миннатдорчилик билдирди. Уларнинг кўп йиллик тажрибалари ёшлар учун мактаб эканлиги ва шарафли йўлларини шогирдлари



давом эттиришларини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ бошлиғи, подполковник Ш. Абдиев, фахрийлар кенгаши раиси М. Жўрабеков ва бошқалар нафақага кузатилаётганларни қизгин табриқладилар. Фахрийларга ўзбекна одат ва анъана бўйича тўн кийдирилди.

Тадбир таассуротлари ҳақида нафақага кузатилаётган шаҳар ИИББ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Шухрат Усмонов тўлқинланиб шундай деди:

матлар айтаман. Инсон ҳаёти давомида бошқаларга намуна кўрсатиб яшасагина уни қадрлашади. Мана, бугун қадр топган ходимларимиз нафақага кузатилаёпти. Агарда юрт тинчлиги, равнақи учун хизмат қилиш керак бўлса, ҳали куч-қувватимиз етади, ҳамisha халқ ишига тайёрмиз.

Тадбир сўнгида севимли



— Менинг кўп йиллик хизматларимни юқори баҳолаб, шундай эҳтиром билан нафақага кузатаётган ҳамкасбларимга, аҳил жамоамга катта раҳ-

санъаткорлар ижросида куй ва кўшиқлар янгради.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ.

Муаллиф олган суратлар.

ИФТИХОР

Ихтиёр Навоий вилояти Қизилтепа туманининг Бўстон қўрғонидан тугилиб, шу юртда ўқиб вояга етди. 1988 йилда ҳарбий денгиз флотидан ўз йиғитлик бурчини ўтади. Хизматнинг дастлабки кунлариданоқ ўзининг тиришқоқлиги, берилган топшириқларни аъло даражада бажариши билан командирлар эътиборини қозонди. Унга ҳарбий қисмда қолиб ишлашни таклиф қилишади. Ихтиёр бу таклифни рад этади. Чунки она-Ватани — Ўзбекистонни соғинган, ўз халқи учун хизмат қилишга аҳд қилганди.

Интилганга толе ёр, деганларидай унинг ҳаракатлари зое кетмади. И. Ғофуров 1990 йилда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ИИБга қарашли Қоровул кўшинлари ҳарбий қисмларидан бирига шартнома асосида хизматга қабул қилинади.

— Мен, — дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда, — Қоровул кўшинлари сафида хизмат қилаётганимдан, ҳарбий бўлганимдан фахрланаман. Бу менга катта масъулият юклайди. Жанговар хизмат сир-асрорларини эгаллашимда, қийинчиликлар-

ни енгишимда менга гуруҳ командири М. Норов, катта сержант З. Тўраевлар ўз маслаҳатларини аямади.

Ихтиёр 1993 йилда офицерлар тайёрлаш олти ойлик курсни тугатиб, лейтенант унвонини олишга сазовор бўлди. Шундан сўнг взвод командири, батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида хизматини давом эттирди. Кейинроқ ишонч билдириб, уни батальон командирлигига тавсия қилишади. Мана бир неча йилдирки у янги лавозим-

да ўзига топширилган вазифаларни шараф билан удалаб келмоқда.

И. Ғофуров командирлик қилаётган батальон ҳарбий қисм бўлинмалари ўртасида бўлиб ўтган «Энг илғор бўлинма» танловида ғолиб деб топилди. Батальондаги аскарлар ётоқхонаси ва ошхона қайта таъмирдан чиқарилган. Тиббиёт бўлими биноси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳарбий шаҳарча ҳудудини айланар экансиз, кўм-кўк манзарали дарахтлар, очиқ яшнаб турган турфа хил анвойи гулларни кўриб кўзингиз қувонади.

Шахсий таркибнинг жанговар хизмат вазифаларини талаблар даражасида бажаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бир сўз билан айтганда, Қуролли кучларимиз сафларида Ихтиёр Ғофуровдек ўз касбининг фидойилари қанчалик кўп бўлса, миллий армиямиз шучалик қудратли бўлаверади.

Бахриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЙЎЛОВЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Автофалокатларнинг олдини олишнинг катта ижтимоий аҳамиятга моликлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки бу фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминловчи омиллардан биридир. Йўл ҳаракати хавфсизлигига эътибор, автомобиль транспортининг самарали хизмат кўрсатишига, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ харажатларнинг қисқаришига олиб келади.

Ҳозирги вақтда йўловчи ташиш билан асосан хусусий киракашлар шуғулланади. Бундай шароитда йўловчиларнинг хавфсизлигини кафолатлаш муҳим масалага айланади. Жорий йилнинг 1 июнидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори кучга кирди. Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари ушбу Қарорни ҳаётга жорий этиш мақсадида

манфаатдор идоралар билан биргаликда кенг қамровли ишларни амалга оширдилар. Жумладан, хусусий киракашлик билан шуғулланувчи ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Улар, ҳайдовчилар йўловчи ташиш билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига киришди. Бундай хўжалик субъектлари сони ҳозиргача 35 тага етди. Улардан 18 таси янгидан ташкил этилди. Шу тариқа ҳозиргача 7 мингдан зиёд янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Ҳар бир шаҳар ва туманда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи 2-3 та хўжалик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Яна янгиларини рўйхатга олиш жараёни давом этаёпти. Натижада соғлом рақобат юзага келмоқда. Ҳайдовчилар ўртасида ЙХХБ ходимлари юқорида тилга олинган Қарорнинг моҳиятини тушунтиришда давом этишмоқда. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, қолаверса, вилоят бюджетини бойитишдан иборатдир.

Тоштемир АҲМЕДОВ,
майор.



НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

ШОХОБЧАДАГИ ҲОДИСА

Фаллаороллик Шавкат Узоқов машинасини «Диёр» автомобилларга ёқилги куйиш шохобчасига олиб кирди. Бу ерда бензин куйиб, энди моторни ўт олдирган эди, салонда йўловчи сифатида ўтирган киши унга пичоқ ўқталди. Кейин кўрқитиб машинадан тушириб юборди-да, рулни бошқариб жуфтакни ростлаб қолди. Ҳанг-манг бўлиб қолган Ш. Узоқов туман ИИБга ариза билан мурожаат қилишдан бошқа чора топа олмади. Кўрилган тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Фаллаорол шаҳрида яшовчи Х. Муҳаммад автомобилни «Хонақоҳ» айланма йўлида бошқариб кетаётган пайтда ушланди. Ёнидан далилий ашё — пичоқ олинди.

МЕТАЛЛФУРУШ ЎСМИР

Навоий шаҳрида жойлашган «Меҳмонтажжурилиш» шўба корхонасида ўғирлик содир этилди. Эрталаб ишга келган хизматчилар кимдир кулфни бузиш йўли билан ичкарига кириб, 220 метр алоқа кабелини ўмариб кетганини кўришди. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган суриштирувларда ушбу жиноятни Навоий шаҳридаги коллежлардан бирининг талабаси Х. Илҳом содир этганлиги аниқланди. У ҳибсга олинди.

АВТОМАШИНА ТЕХНИК СОЗ

Машина ўғрилари орамизда оз бўлса-да ҳамон учраб турибди. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ИИБга тушган хабарга кўра кундузи номаълум шахс Жарқўрғон туманилик Фулом Назаровнинг «Тико» русумли автомобилни ҳайдаб қочган эди. Дарҳол «Туттиш» тадбири эълон қилинди. Тадбирга жалб этилган ходимларнинг ҳушёрлиги туфайли автомобиль ўғриси ушланди. У Термиз шаҳрида яшовчи, ишламайдиган М. Раим бўлиб чиқди. Автомашина техник соз ҳолда олинди.

МИЛТИҚ ОЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Бугунги кунда ўқотар қуролни ноқонуний сақлаш қандай аянчли оқибатларга олиб келишини кўпчилик яхши билади. Аммо шунга қарамай айрим фуқаролар амалдаги қонунарга итоат этишмаётгани сезилиб қолмоқда. Тошкент шаҳар Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбир чоғида бу фикр нечоғли тўғри эканлиги яна бир бор ўз исботини топди. Шу кунги ички ишлар ходимлари туманининг Дилхуш кўчасида яшовчи Х. Комилнинг «Қозиробод» қабристонини ҳудудида жойлашган сув ҳайдаш шохобчасида 16 калибрли, «ИЖ-5» русумли қуролни ноқонуний сақлаётганини аниқлаб, уни қўлга олишди. Милтиқ эса мусодара қилинди.

ТУНДАГИ «ГУЛХАН»

Тунда Косон тумани Мест кишлоғида яшовчи Т. Қувондиқнинг хонадонидан бахтсизлик юз берди. Кучли ёнғин оқибатида уйнинг 150 кв. метр майдони ва уй жиҳозлари ёниб кетди. Воқеа жойига етиб келган ёнғин ўчирувчилар бир соат мобайнида офатни бартараф этдилар. Аммо уй эгасининг вояга етмаган икки фарзанди ёнғиндан куйиб ҳалок бўлди. Қувондиқ ва унинг умр йўлдоши эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Ҳозирда ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.

БУ ҲАҚДА ИИВ ҲАЙЪАТИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат мажлисида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан виза режими қоидаларига риоя қилиш устидан ҳам назоратни ташкил этиш» тўғрисидаги масала самарали муҳокама этилган эди. Йиғилишда тилга олинган камчиликларни бартараф этиш, жойларда бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ХЧК ва ФРБлари ходимлари иштирок этдилар.

Шунингдек, қатнашчиларга республикадаги вилоят, шаҳар, туман ИИБ ХЧК ва ФРБларида, аэропорт, темир йўл орқали ва автотранспортларда кириб келаётган ҳамда чиқиб кетаётган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш тартиби, республикада бўлиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий чоралар, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга республикада бўлиши, виза муддатларини узайтириш тартиби, компьютер маълумот тўпламига киритилиши таништирилди.

Тадбирнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲООББ, ЖК ва ТҚКББ, ЖИЭББ, ШТБХ, Адлия вазирлиги ҳамда республика МХХнинг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ходимларининг маърузалари тингланди.

Ўтказилган ўқув машғулоти якуни бўйича қизғин савол-жавоблар бўлди, машғулот иштирокчилари хизмат йўналишини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирдилар.

Семинар қатнашчилари пойтахтнинг бир нечта туман ИИБ ХЧК ва ФРБларида бўлиб, ходимлар иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

ЎҚУВ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

КИНОЛОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ички ишлар идоралари тизимида кинология хизмати-ни ривожлантиришга катта эътибор бериб келаяпти. Хизмат итларидан иншоотларни қўриқлашда кенг фойдаланилмоқда. Портловчи моддалар ва гийҳвандлик воситаларини излаб топил-да уларнинг ўрни бекиёсдир.

Ўтиш, гийҳвандлик воситалари ва портловчи моддаларни излаб топил, қуролли «жиноятчи»ни зарарсизлантириш бўйича ўзларига бirkитилган хизмат итларининг маҳоратини намойиш этдилар.

Сўнг тадбир қатнашчилари питомник ҳудуди — сайр ва машқ майдончаларини, автомобиллар ва турар-жойларнинг макетлари

ўрнатилган ўқув полигонини кўздан кечирдилар, хизмат итлари қандай шароитда парвариш қилиниши билан яқиндан танишдилар.

Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, полковник Азамат Тошбоев семинарга яқун ясар экан, баъзи туманлардаги кинология хизматининг аҳволини танқид остига олди. У айрим жойларда хизмат итлари мослаштирилган биноларда сақланаётгани, машқлар кам ўтказилаётгани туфайли тўрт оёқли жониворлар ўз кўникмаларини йўқотаётганини таъкидлади. Шунингдек, Жалолқудуқ тумани ва Асака шаҳри ИИБ кинология хизматлари фаолиятини ижобий баҳолади. Соҳада эришилаётган ютуқлар устида ҳам тўхтади.

Семинар қатнашчилари хизмат итларини парваришлаш, овқатлантириш меъёрлари, соҳага оид ўқув қўлланмалари ва адабиётларга доир барча саволларига жавоб олишди.

К. БОРИСОВ.

МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Тадбирни бошқарма бошлиғи, полковник Б. Шорихсиев кириш сўзи билан очди ва республика-миз ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тўлиқ назоратини олиб бориш, ходимлар билим савиясини янада ошириш, қонунчиликка риоя қилиш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш ва бошқа хизматлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг бошқарма бош маслаҳатчиси Н. Шигарев чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс-

ларнинг республикада бўлиш қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш тадбирларини тезкор хизматлар ҳамкорлигида ўтказиш ва бошқа масалалар хусусида тўхтади. Бошқарма бўлим бошлиғи, подполковник Қ. Зокиров Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республикада бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш ва назоратни олиб боришда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида батафсил гапириб ўтди.

19 июлда «ЎзДЭУавто» корхонаси ишга тушганига 10 йил тўлади. Ўтган давр ичида бу ерда ўн минглаб автомобиллар тайёрланди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

Юртимиз автомобилсозлик саноатининг илк қалдирғочи саналган ушбу корхонада ўз соҳасини севадиган, чуқур биладиган ёш, иқтидорли кадрлар етишиб чиқди. Улар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бундай савобли ишдан автокорхонани қўриқлашга масъул бўлган ички ишлар бўлими ходимлари ҳам четда қолишаётгани йўқ.

Осойишталик посбонлари заводни қўриқлашдан ташқари рухсатнома режимини, жамоат тартибини таъминлаш, ўғриликларнинг олдини олиш каби вазифаларни ҳам бажаришади. Ходим-

ларнинг хизмат ўташи ва дам олиши учун бу ерда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Мунтазам постлар ички алоқа тизими, кузатув видеокамералари билан таъминланган. ППХ милиционерлари ихчамгина радиостанциялардан, кириш-чиқиш жойларида хизмат ўтовчи нарядлар эса металл изловчи ҳар томонлама қулай воситалардан фойдаланишади.

Заводда ёнғин хавфсизлигига ҳам катта эътибор берилмоқда. 7-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ходимлари цехларда, омборхоналарда профилактик тадбирлар ўтказишяпти.



ИИБ шахсий таркиби эрталабки тақсимлаш пайтида.

Ўт ўчириш техникаси воситалари ва автоматик оғоҳлантириш мосламалари ҳамиша шай ҳолатда сақланади.

Б. КЛЕЙМАН олган суратлар.



7-ХЕХҚ бошлиғи, майор Назиржон Мамажонов йўриқнома ўтказмоқда.



ППХ наряди тайёр маҳсулотлар майдончасида.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатда ҳар бир шахс ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишини сўраб судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шу боис ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари ўртасидаги мавжуд анъанавий муносабатларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Аниқроқ айтганда, биринчи навбатда жиноят процесси босқичларида прокурор ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш фикри илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидан ушбу конституцион кафолатлар ҳозирги кунгача ўзининг тўлиқ аксини топмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда эълон қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш ва кейинги босқичда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида муҳим қадам бўлди.

Фармонга кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир қилишда гумон қилинувчи ва айбланувчи шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилади.

Шахс озодлигини чеклаш институти, шунингдек, ноқонуний равишда қамоққа олинган шахснинг бундай қарорни қабул қилган идора ёки мансабдор шахс устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари белгиланган дастлабки ҳуқуқий манбалардан бири бу – 1679 йил 26 майда Англия Парламенти томонидан қабул қилинган Habeas Corpus Act («Ҳар ким ўз ҳуқуқига эга бўлсин») Қонуни ҳисобланади. Тарихдан олинган мисоллар шунини кўрсатиб турибдики, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг

мустақил ҳокимият тармоғи бўлган суд томонидан ҳимоя қилиниши, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини амалга ошириш жараёнида камситишларнинг олдини олиб, ушбу ҳуқуқларнинг кафолатини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кунда судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи нафақат Европа, балки Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 110 дан ошмиқ давлатларида расман амалга оширилади.

Фарб давлатларининг халқаро-ҳуқуқий тажрибасини ўрганаётган Муствақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бир қатор мамлакатларда тезкор хизматлар ва тергов идораларининг фуқа-

олишга санкция бериш масалаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун объектив зарурат вужудга келди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозиргача баъзи тергов идоралари ходимлари айрим ҳолларда айбланувчиларга суд мажлисига қадар ғайриинсоний усуллар билан тазйиқ ўтказиб, уларнинг айбини бўйнига қўйиш мақсадида иш олиб боришган. Шу боис, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда, суд дастлабки тергов жараёнида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тергов органларига нисбатан ишончлироқ кафил бўлиши мумкин. Бундан ташқари, суд муствақил ҳокимият

олишга санкция бериш жиноят ишлари бўйича ёки ҳарбий судларнинг қарори билан амалга оширилиши кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, ишларни беғараз ва холис кўриш мақсадида санкция бериш масаласини жиноят ишлари бўйича судлар таркибига кирувчи маъмурий ишлар бўйича судлар ихтиёрига топшириш таклиф қилинмоқда. Чунки амалиётда бу судлар жиноят ишини мазмунан кўриб ҳал этишда иштирок этмайди.

Фикримизча, терговчи ёки суриштирувчи айбланувчи ёки гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш тўғрисидаги тақдим-

Эҳтиёт чораларини қўллаш борасидаги процессуал тартибларнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, прокурорнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлаш ҳақидаги илтимосномаси ишга доир ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг 10 соат ичида кўриб чиқирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Прокурорнинг мазкур қарорини кўриб чиққан судья ушбу масала юзасидан:

1) прокурор қарорини қаноатлантириш;

2) нисбатан энгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки ушлаб турилган шахсни қўйиб юбориб, эҳтиёт чорасини қўллашни рад этиш ҳақида ажрим чиқариш ваколатига эга бўлиши мумкин.

Судьянинг прокурор қарорини рад этиш ҳақидаги ажрими устидан юқори турувчи

суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилиниши мумкин бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга қамоқда ушлаб туриш муддатини юқори турувчи суд томонидан тегишлича:

Жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси 5 ойгача;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ўринбосари 7 ойгача;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси 9 ойгача узайтириши мумкинлигини назарда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўйлайманки, айтиб ўтилган таклифлар нафақат ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар, балки тегишли ижро этувчи орган вакиллари томонидан ҳам атрофлича ўрганилади. Чунки, кўрсатилаётган ушбу ўзгартиришлар табиийки, моддий харажатларни талаб этади. Жумладан, маъмурий ишлар бўйича судьяларнинг янги штатлари очилиши бунга мисолдир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш институтининг жорий этилиши одил судлов идораларининг муствақиллиги ва обрўйини ошириши билан бир қаторда,

дастлабки тергов жараёнида юзага келиши эҳтимоли бўлган хато ва камчиликларнинг ўз вақтида олди олиншига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Бу билан суд жараёнларининг очиқ ва ошкоралиги таъминланиб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш сўзсиз кучаяди.

Дилбар СУЙОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси,
юридик фанлари номзоди.

ТЕРГОВЧИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОШАДИ

роларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини вақтинча чеклаш билан

боғлиқ бўлган ҳаракатларини санкциялаш ваколатини прокуратура органларидан судларга олиб бериш чоратадбирлари амалга оширилмоқда.

Россия Федерацияси, Молдова, Болтиқбўйи

Украина ва Қозоғистон давлатлари қонунчилигида санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органлари ваколатига тегишли бўлса-да, бироқ айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси прокурорнинг қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

давлатлари ва Озарбайжонда қамоққа олишни санкциялаш ваколати судлар ихтиёрига ўтказилган. Украина ва Қозоғистон давлатлари қонунчилигида санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органлари ваколатига тегишли бўлса-да, бироқ айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси прокурорнинг қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу давлатларда қамоққа олиш ва қамоқ муддатини узайтириш устидан суд назоратини ўрнатиш масалаларида қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳалар тайёрланмоқда. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида республикамизнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига гумон қилинувчи ва айбланувчини қамоққа

бўлиб, у жиноят-процессидан ҳеч қандай айблов ва тергов функциясини бажармайди, жиноят ишининг сифати ва очилишига жавоб бермайди. Айнан шунинг учун қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш кейинчалик амалиётда прокурорнинг қарори ва хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тартибини ҳам осонлаштириши мумкин.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши дастлабки терговнинг самарадорлигини таъминлаб, ноқонуний усулларни қўллаш, шу жумладан, шахсни қийноққа солиш каби ҳолатларга барҳам беради. Бундай вазиятда тезкор ходимлар, терговчилар жиноятни очишда далилларни йиғишнинг бошқа бир қатор мақбул усулларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу эса уларнинг нафақат профессионал-касбий кўникмаси даражасини оширишга, балки мазкур соҳа вакиллари сафини билимли ва қобилиятли кадрлар билан тўлдириш имкониятини ҳам беради.

Ҳозирги кунда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар санкция бериш ваколатини қайси судларга берилишини ва бу жараён қандай тартибда амалга оширилишини қизгин муҳокама қилмоқдалар. Юқоридаги Фармоннинг 1-бандига кўра, қамоққа

номани прокурорга киритади. Ўз навбатида прокурор ушбу илтимосномага асосан иш кўзгатиш ҳақидаги қарорни судга юборади.

Мавжуд амалиётни чуқур таҳлил қилиб ўрганган ҳолда, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьялари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлари бўйича судьяларига ҳамда округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялари ваколатига бериш таклиф қилинмоқда.

Ҳозирги кунда судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи нафақат Европа, балки Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 110 дан ошмиқ давлатларида расман амалга оширилади.

Шунингдек, таклифимиз прокурорнинг қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномага асосан иш кўзгатиш ҳақидаги қарори судья томонидан прокурор, айбланувчи, гумон қилинувчи ҳамда уларнинг ҳимоячиси ва қонуний вакиллари иштирокида кўрилиши, зарурат туғилганда эса судга терговчи ва суриштирувчининг ҳам чақирилиши мумкинлиги назарда тутилган.

СОҒЛИГНИНГ БОЙЛИГИНИНГ

Инсон учун энг қимматли бойлик – унинг саломатлигидир. Бу ҳақда кўплаб халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, ибратли ҳикоялар, улғу кишиларнинг фикрларини келтириш мумкин.

Фуқаролар саломатлигини сақлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, бунинг учун ҳар йили мамлакат газнасидан кўплаб маблағ ажратилишининг ўзи бу масалага алоҳида эътибор берилаётганидан далолатдир. Чунки жамият равнақи, унинг истиқбол биричи галда инсон саломатлиги билан белгиланади. Миллат саломатлигига эришиш, жисмонан ва руҳан соғлом наслга эга бўлиш давлатчилик бошланган қадим замонлардан бери ҳаёт зарурат бўлиб келган. Фуқаролари саломатбардам давлат ҳар томонлама ривож топиб, мустақамланиб борган.

Мустақилликка эришилгандан кейин мамлакатимизда соғлиқни сақлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Биричи галда оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш учун кўплаб амалий ишлар қилинди. Келажагимиз бўлган

ёш авлодни соғлом, бардам ва бақувват бўлиб вояга етиши учун зарур бўлган барча имкониятлар ишга солиняпти. Мустақил давлатимизнинг биричи ордени ҳам «Соғлом авлод учун» деб юритилади.

1998 йилда қабул қилинган тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурида фуқаролар саломатлигини сақлаш, соғлигини мустақамлаш асосий вазифа қилиб белгиланган. Бунинг учун бирламчи тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш, унинг самарадорлиги шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, малакали мустахассис шифокорлар тайёрлашни кўпайтириш, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, шифохона, сиҳатгоҳларда тиббиётнинг илғор усулларини қўллаган ҳолда беморларга хизмат кўрсатиш ва бошқа зарур вазифа-

ларни ҳал этиш масаласи қўйилган.

Ички ишлар хизмати шахсий таркибининг саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича белгиланган вазифалар аниқ ва ўз вақтида бажариш имкониятлари ишга солиноқда. Одатда ички ишлар идораларига хизматга кираётганлар ҳар томонлама соғлом бўлиши талаб этилади ва тиббий кўрикдан ўтказилади. Саломатлиги ички ишлар хизматига яроқли деб топилганлар ишга қабул қилинади. Хизмат давомида эса улар мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб турилади, бирор касалликнинг бошланиши аниқланса, тезда муолажа қилиб, олди олинади. Шунинг учун ҳам профилактик ишлар тиббий хизматнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Соғлигини йўқотган киши унинг қадрига етади, деган ибора бор. Халқимиз буни амалда кўп марта синаб, бошидан ўтказиб кейин айтган. Кўлчилик касал бўлаётганини сезган ҳолда эътибор бермай вақтини, ишини қизганиб, шифокорга бормай юради. Натijaда касаллик зўрайиб, бемор ҳолдан тойиб, ётиб қолгандан кейин шифокорни чақиради.

Ички ишлар хизмати ходимидан жамиятдаги бошқа иш, вазифа,

хизматларга қараганда ҳам жисмонан, ҳам ақдан кўп куч-қувват талаб этади. Инсон организмда сарфланаётган қувват ўрнини қоплашнинг омиллари кўп. Уни топиб фойдалана билиш керак. Саломатлик инсон учун энг зарур экан, соғлиқни сақлаш имкониятини ҳам топиш зарур. Сир эмас, ички ишлар ходими куннинг кўп қисмини хизматда ўтказиши туфайли унинг жисмоний чиниқиб, руҳий дам олиши учун жуда кам вақт қолади. Айрим ходимлар бор имкониятдан ҳам фойдаланишмайди. Бу организмнинг зўриқишига, пировардида чарчашига олиб келади. Мунтазам равишда чарчас эса организмнинг қувватсизланишига сабаб бўлади. Камқувватлилик эса турли хил касалликларни келтириб чиқаради.

Ички ишлар ходимлари учун жисмоний чиниқиш учун спорт турлари билан шуғулланишнинг мажбурий қилиб қўйилганлиги, аввало, уларнинг саломатлигини сақлаш, соғлиғини тиклаш учундир. Жойларда ёзда, спорт майдонлари, қишда тренажёрлар ходимлар ихтиёрига берилган. Ҳар бир ходимнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериляпти.

Тиббий хизматнинг асосий йўналиши – профилактика ишларини амалга оширишидир. Ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўриқни ўтказишдан мақсад ходимлар саломатлигини текшириб кўриб назорат қилишдан иборат.

Кейинги йилларда ички ишлар ходимлари ўртасида юрак ишемик, гипертония, семизлик касалликларининг кўпайишига бир қатор сабабларни кўрсатиш мумкин. Овқатланиш тартибининг бузилиши, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш, жисмоний ҳаракатларнинг камлиги, асабийлашиш, руҳий бузилишлар шулар жумласидандир.



Экстремал шароитларда хизмат ўтовчи ички ишлар ходимларининг саломатлигини кузатиш ва таҳлиллар турли хил руҳий зўриқишлар уларнинг соғлиғига, айниқса, руҳий ҳолатига салбий таъсир этаётганини кўрсатмоқда. Бу албатта, ходимлар хизмати-ни талаб даражасида ўташларига тўсқинлик қилади. Руҳий зўриқиш инсонни муомалада қўполлашувига, вазифани бажаришда хато ва камчиликка йўл қўйишига олиб келади. Шу боис ҳам ички ишлар ходимлари руҳий ҳолатини муҳофаза қилиш шифокорлар олди-га қўйилган асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Шахсий таркибни тиббий профилактик кўрикдан ўтказиш давомида хизматни ўқотар қурол билан олиб борувчи ходимларни чуқур психопрофилактик текширувдан ўтказиш зарур.

Шу ўринда айрим ходимларнинг белгиланган вақтда келиб тиббий кўрикдан ўтмай юриши оқибати ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз. Тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтмай юрган ходимлар ўртасида касаллик саломатлиги йўлида қайғуриб тез тез шифокор назоратидан ўтиб юрганларга нисбатан анча кўп эканлиги йиллик маълумотларда кўп марта қайд этилган. Яна бир томони, назоратдан ўтиб турган ходимларда пайдо бўлаётган турли касалликлар зўрайиб кетмасдан олдин аниқланади ва тегишли муолажа қилинади. Тиббий кўриқ шахсий таркиб орасида айрим касалликларнинг тарқалиши ва ногиронликка олиб келиш ҳолларининг камайиши, шунингдек ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар – қон айланishi тизими, руҳий, сил ва онкологик касалликларни ўз вақтида аниқлаб, тезда даволаш ишларини ташкиллаштиришга ёрдам беради.

Шахсий таркиб орасида ҳар қандай салбий

ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, тиббиёт хизмати қошида малакали психологлар гуруҳини тузиш, ходимларнинг руҳий психологик ҳолатига баҳо бериш учун тест саволлари асосида ўрганиб бориш каби таклифлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2006-2008 йиллар давомида ички ишлар идоралари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни мустақамлаш, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, билим савияси ва касб маҳоратини ошириш, улар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар Дастурида ходимларнинг саломатлигини сақлаш масаласига катта аҳамият қаратилди.

Инсонлар соғлиғини муҳофаза қилиш фақат тиббиёт ходимларининг вазифаси деб қараш нотўғри, албатта. Аввало, инсоннинг ўзи саломатлиги учун қайғуриши керак. Соғлиқ инсоннинг ўз қўлида экан, уни асраши ҳам зарур. Шу ўринда ички ишлар ходимларига тиббиёт хизматидан унумли фойдаланиш лозимлигини эслатиб ўтамиз. Ўз вақтида профилактик кўрикдан ўтиш организмда пайдо бўлаётган турли хил касалликларнинг илк даврида аниқлаш имконини беради. Касални эса даволагандан кўра олдини олган афзал, албатта.

Ички ишлар ходимлари юрт тинчлиги ва осойишталиғини сақлашда ишончли таянчдир. Таянч эса мустақам бўлмоғи керак. Жисмонан чиниққан, бардам, бақувват, ақли теран ходимлар ишончли қалқон, мустақам таянчимиз бўла олади.

Абдуазим АМИНОВ,
Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник.
Суратларда: саломатлик посбонлари ички ишлар ходимлари соғлиғини доимо назорат қилиб туришади



Юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ички ишлар ходимлари зиммасидаги асосий вазифалардан бирidir. Бу борада Урганч халқаро аэропорти тармоқ милиция таянч пункти ходимлари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Ўтказилаётган қатор профилактик тадбирлар натижасида шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

раkki, сўнгги йилларда Германия, Италия, Швеция, Австрия каби мамлакатлар фуқароларининг Хива, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларимизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ички ишлар ходимлари зиммасидаги масъулиятни бир мунча оширди. Асосий мақсадимиз дунё нигоҳи тушаётган мамлакатимиз ҳудудида намунали жамоат тартибини сақлаш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Урганч халқаро аэропорти маъмурияти тармоқ милиция таянч пункти ходимлари самарали меҳнат қилиши учун етарли шароитларни яратиб бермоқда. Барча қулайликларга эга бўлган хизмат хоналари, зарур алоқа воситалари ички ишлар ходимлари ихтиёрида.

— Урганч халқаро аэропорти тармоқ милиция таянч пунктида ўз касбига садоқатли, жисмонан бақувват, маънан етук осойишталик посбонлари жамланган, — дейди аэропортнинг ташиш бўлими бошлиғи Шавкат Худойқулов. — Шу боис, ҳудудимиз тинч, осойишта. Мана, бир неча йилдирки, уларнинг ҳушёрлиги сабабли жиноят содир этилишига йўл қўйилмаяпти. Қолаверса, жамоат тартибини сақлашдаги хизматлари вилоятимизга ташриф буюраётган меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда.

Урганч халқаро аэропорти милиция таянч пун-

кти ҳудудида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда қатор ўқув-амалий машғулотлар ҳам ўтказилаяпти. Бундай тадбирлар ходимларнинг жанговар маҳоратини ошириб, халқ осойишталиги ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Х. ЖАББОРОВ.



Суратда: Урганч аэропорти тармоқ милиция таянч пункти бошлиғи, майор Азамат Муродов ходимлар билан суҳбатлашмоқда.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

Ташқи давлатлар билан халқаро алоқалар тобора ривожланиб бораётганлиги натижасида чет эллик ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, табиий бойликлари, халқимизнинг турмуш шароитига қизиқиши кун сайин ортаёпти. Биргина мисол. Илгари вилоятлардаги аэропортлар фақат маҳаллий йўналишларга хизмат қиларди. Эндиликда улар халқаро аэропорт мақомини олиб, дунёнинг турли мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишмоқда. Жумладан, Урганч халқаро аэропорти ҳам бу борада йўловчиларнинг ишончли ҳамда кафолатли ҳамкорига айланиб улгурди.

— Ушбу аэропортнинг имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди тармоқ милиция таянч пункти бошлиғи, майор Азамат Муродов. — Шу йил 5 июндан бошлаб Россиянинг Сибир авиакомпанияси Москва-Урганч-Москва йўналиши бўйича самолёт қатновини йўлга қўйди. Шунингдек, бу ердан «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳам кўплаб самолётлари дунёнинг бир қанча давлатларига парвоз қилмоқда. Яна шунини фахр билан таъкидлаш ке-

ЭКСПЕРТ ЯНГЛИШИШИ МУМКИН ЭМАС

Ички ишлар идоралари хизматлари ҳақида гап кетганда криминалистика соҳаси алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Экспертларнинг аниқ-равшан маълумотлари кўпроқ тергов-суриштирув ишларида асқотади. Ушбу жараёнда инсон тақдири ҳал этилаётган экан, улар хато қилиши мумкин эмас.

Тошкент вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимига ўрнатилган «Адис Сонда» автоматик-дактилоскопия тизимга профилактик ҳисобда турувчи, содир этилган жиноятга алоқадор бўлган шахсларнинг қўл-бармоқ излари, шу-

нингдек, шаҳар-туман ИИБ эксперт-криминалистика томонидан воқеа жойидан олинган, аниқланмаган шахсларга тегишли қўл-бармоқ излари киритилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қилни қирқ ёрувчи ходимларнинг

воқеа жойидан олган излари орқали 108 та жиноят фош этилишига эришилди.

Кувончлиси ҳозирда хизмат энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган автомашина билан таъминланган. Шу боис ходимлар воқеа жойининг ўзида ҳар қандай шароитда барча тадқиқотларни олиб боришяпти. Бундан ташқари воқеа жойини кўздан кечириш чоғида уни тасвирга тушириш учун энг замонавий видео ва фотоаппаратлар мавжуд.

— Бу йил 8 кишидан иборат бўлинмаимиз иш бошлади. Эндиликда фу-

қароларнинг шахси махсус техникалар орқали аниқланаётганлиги сабабли қийинчиликлар бўлмаяпти, — дейди шахсни идентификация қилиш бўйича автоматлаштирилган бўлинма бошлиғи ўринбосари, капитан Муроджон Ходжаев.

Эксперт-криминалистика бўлимида фаолият кўрсатаётган ёшлар учун бошқармада махсус ўқувлар ташкил этилаёпти. Уларнинг трасология, балистика, дакталоскопия соҳасидаги билимларини янада бойитиш мақсадида ИИБ Академияси махсус курсида таълим олишлари йўлга қўйилган. Шундай шарт-шароитлар яратилаётгани сабабли экспертлар вилоят ҳудудида содир этилган жиноятларнинг ўз вақтида фош этилишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Шерали АНВАРОВ,
капитан.

МАҚТАСА АРЗИГУЛИК

Қашқадарё вилоятида жиноятчиликнинг кўплаб турларига қарши кураш ва уларни фош этишда хизмат итлари имкониятларидан фойдаланиш катта самара беряпти. Ўтган йили вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги хизмат итлари питомниги замона талаблари даражасида қайта қурилиб, ишга туширилди.

Бугунги кунда муассасада хизмат итларига мўлжалланган вольерлар мажмуи, изолятор хонаси, дорихона, қишки ва ёзги чўмилиш ҳавзалари, махсус ошхона ҳамда машғулотлар ўтиш ва кўргазмали чиқиш майдонлари ишлаб турибди. Шунингдек, кинолог ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва хизматга сидқидилдан ёндашишлари учун барча қулайликлар яратиб берилди. Вилоят ҳудудидаги шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида эса кичик кинология марказлари фаолият юритмоқда.

Вилоятнинг чегара ҳудудларидаги «Ширинбулоқ», «Мингчинор», «Чак-чак», «Кўнғиртоғ» каби йўл-патруль хизмати масканларида фаолият олиб бораётган 18 нафар кинологлар ўзларига бириктирилган хизмат итлари ёрдамида белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажаришмоқда.

Кувонарлиси, ҳар йили соҳа ходимларининг малакаси ва тажрибасини намойиш этиш мақсадида ўтказилиб келинаётган республика миқёсидаги кўпкураш мусобақаларида қашқадарёлик кинологлар ҳам муваффақиятли қатнашиб келишмоқда.

Яқинда Наманган вилоятида бўлиб ўтган ана шундай мусобақада инспектор-кинологлар, сержантлар Асад Назаров, Нормурод Қултоев, катта сержантлар Бахтиёр Одилов, Рустам Ҳасановлар ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан мусобақа шартларини аъло даражада бажаришиб, фахрли ўринларни қўлга киритишганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Дилмурод ГҮЛМУРОДОВ,
майор.

ЙЎЛЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Кейинги пайтда айрим фуқаролар товар-моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиш, юртимизга олиб киришга уринишмоқда. Уларнинг бундай нопок ҳаракатлари эса мамлакатимиз иқтисодиётига катта зарар келтирмоқда. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш ва қонунбузарлар йўлига мустаҳкам тўв қўйиш мақсадида ички ишлар ходимларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ алоҳида ЙПХ отряди 4-сафарбарлик гуруҳи ходимлари йилнинг ўтган даврида вилоят божхона бошқармаси хизматчилари билан биргаликда хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юртимизга ноқонуний тарзда олиб кирилиши билан боғлиқ юздан ортиқ ҳолатларни аниқлашди.

Булардан ташқари ўтган давр

мобайнида товар-моддий бойликларни юртимиздан ташқарига ноқонуний равишда олиб чиқиш бўйича 16 та ҳолат ҳам фош этилди. Жумладан, ЙПХ инспектори, сержант К. Бадалов ва Хўжабод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходими, катта сержант Д. Орифжоновлар «33-ЙПХ экология маскани»да В. Икромов бошқарувидаги «ГАЗ-2410» русумли ав-

томашинани тўхтатишди. Машина салони ва юкхонасида 1200 килограмм қора металл парчалари қўшни давлатга сотиш мақсадида олиб кетилаётган экан. Андижон шаҳрида яшовчи М. М. бошқарувидаги «Жигули»да эса 650 литр дизель ёқилғиси бор эди.

Келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, гуруҳ ходимларининг асосий вазифаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб, қоңдабузар ҳайдовчиларни аниқлашдангина иборат эмас. Улар иқтисодиётимизга зарар келтираётган шахсларни фош этишга ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти.

Зарбодбек МАДРАҲИМОВ,
капитан.

«ҚОРАДОРИ — 2006»

Бугунги кунда дунё аҳлини ташвишга солаётган иллатлардан бири гиёҳвандликдир. Бунинг оқибатида миллионлаб инсонлар азият чекмоқда. Бу бало мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Унинг таъсирига айрим ёшларимиз билиб-билмай тушиб қолаётгани ачинарли ҳолдир. Бунинг олдини олиш мақсадда ҳар йили республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва кенг жамоатчилик томонидан кенг қамровли «Қорадори» тадбири ўтказилаяпти.

БЕДАВО ИЛЛАТ

Ана шу тадбир доирасида Тошкент вилояти ИИБ тизимидаги хизматлар томонидан ўтказилган рейдлар давомида тоғ ён бағирлари, қир-адирлар, далалар кўздан кечирилмоқда. Яқинда Бўстонлиқ тумани Бурчмулло қишлоғида яшовчи Ю. Тожиалининг томорқаси гумонланиб текширилганда 42 туп кўкнор ўсимлиги ўстирилаётгани аниқланди ва йўқ қилинди.

Паркент тумани Невич қишлоғида ўтказилган тадбир чоғида Тўхтаҳон аянинг томорқасида 20 туп кўкнор ўсимлиги кўкка бўй чўзиб ётгани маълум бўлди. Оққўрғонлик 80 ёшни қоралаган Донабой отанинг ҳовлисида 15 туп кўкнор ўсиб ётганига нима дейсиз?

Ички ишлар ходимлари таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар экилган жойларни аниқлаш билан чекланиб қолмай, оғуни етиштириш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, уларга кескин чоралар кўриш борасида ҳам муайян ишларни амалга оши-

ришмоқда. Жумладан, 15 июнь куни Пскент туманида ўтказилган тадбир жараёнида олмалиқлик К. Николай гумонланиб текширилганда ёнидан 730 гр. кўкимтир қурилган ўсимлик чиқди. У экспертизадан ўтказилганда марихуана гиёҳвандлик моддаси эканлиги оидинлашди. Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари эса М. Энверни текширишганда ёнидан 920 грамм марихуана топилди. Қуйичирчиқлик Ю. Рафаэль таниши О. Николай билан ўзаро тил бириктириб, 440 граммдан зиёдроқ марихуана сохтаётганида ушланди.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ачинарлиси, мўмай даромад кетидан қувган айрим шахслар гиёҳвандлик қандай аянчли оқибатларга олиб келишини била туриб оғуфурушлик билан шуғулланишяпти. Ички ишлар ходимлари уларнинг қилмишига чек қўйиш учун бор имкониятларни ишга солаверадилар.

Дилором РЎЗМЕТОВА.

ФОЙДАСИ БЎЛАРМИКАН?

Гиёҳвандларнинг деярли ярмини тузатиб бўлмайдиган дейишади. Сабаби, уларнинг ми-ясида гиёҳвандлик моддалари таъсирида биокимёвий ўзгаришлар юз берар экан. Қуйидаги мисол ҳам бунинг исботидир.

«Қаҳрамон»имиз Комил Қамчиев 53 ёшда. У илк бор йигирма ёшида заҳри қотилнинг «таъмини тотган» эди. Орадан шунча вақт ўтса ҳам бу дарду бедаводан қутула олмади.

Амнистия бўйича озодликка чиққач, ширкат хўжалигига қоровул бўлиб ишга жойлашди. Бир куни гиёҳвандликнинг қаттиқ хумори тутди. Юриб-юриб Шаҳрихонсой канали қирғоқларига яқин жойда ёввойи наша ўсиб ётганини кўриб, хазинанинг устидан чиқиб қолгандек қувониб кетди. Наша новдаларидан бир дастасини кесиб олиб, қуришти учун кўздан пана жойга ёйиб қўйди.

Орадан бир неча кун ўтиб, қуриган нашани ўт-ўланларга қўшиб уйига олиб келди. Заҳри қотилнинг бир қисмини

чордоқдаги бешикка беркитди. Қолганини алюмин идишга солиб, жавон ичига яшириб қўйди.

Комил марихуана-нинг бир қисмини сотишга қарор қилди. «Мижоз» излаб «Турсунбой ота» чойхонасига борди. Ичувчига баҳона ҳар доим топилади, деганларидек, танишлар билан учрашиб роса «ювилди». Кайфлари хиёл ошгач, Қамчиев жиндак «қурилган ўти» борлигини, харидор излаб юрганини айтди. Даврадагилардан бири қизиқиб қолди.

— Нархи қиммат эмас. Бир гугурт қутидагиси беш минг сўм, деди Комил.

— Розиман, оламан. «Дори» ҳозир ёнингиздами?

— Йўқ, аммо истасангиз ҳозир «ғиз» этиб бориб, олиб келаман.

— Мана беш минг сўм, — мижоз ёнидаги

пулдан бир дастасини санаб узатди. — Сизни бир соатдан сўнг туман марказидаги чорраҳада, светофор ёнида кутаман.

Қамчиевнинг юраги қувончдан дук-дук урарди. У мопедига ўтириб уйига шошди. Орадан ярим соат ҳам ўтмай Комил белгиланган жойда турарди.

Харидор яна икки нотаниш кимсани эргаштириб келди.

«Ҳойнаҳой, яна мижоз топилган бўлса керак», — хаёлидан ўтказди Комил Аммо янглишди. Улар ички ишлар ходимлари эди.

Қамчиевнинг ёнидан 3,5 грамм марихуана топилди. Уйи тинтув қилинганда эса изқуварлар сал кам ўн кило заҳри қотил олишди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди уни 12 йилга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, Комил Қамчиевни гиёҳвандлик дардидан мажбурий даволаш ҳақида қарор чиқарди. Аммо муолажанинг фойдаси бўлармикан?..

Ботиржон ИМИНОВ.

САМАРАЛИ ТАДБИР

Жиззах вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш бўлими ҳамда бошқа хизматларнинг ходимлари томонидан «Қорадори-2006» тадбири давомида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ 24 та ҳолат аниқланди. Шунинг 20 таси таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш билан боғлиқдир. Бундай ўсимликлар экилган ер майдонларининг сатҳи 368 кв. метрни ташкил этди.

Галлаорол туманида вертолётда ўтказилган назоратли учишлар давомида Чувиллоқ қишлоғида яшовчи Ш. Абдуғани уйининг томорқасига 4032 туп кўкнор ўсимлигини экиб етиштираётгани фош этилди. Шунингдек, молхонасига яширилган елим халта ичидан 11 кг кўкнор бошоқлари топилди. Шу туманининг Савруқ қишлоғида яшовчи Н. Маъруф ҳам томорқасида 8256 туп кўкнор ўсимлигини парваришлаётгани ошкор бўлди.

Тадбир давом этмоқда. Юқоридаги каби қонунбузарликка йўл қўйган фуқаролар албатта қилмишларига яраша жазо оладилар. Буни асло унутмасликларини истардик.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Республикамиз ҳудудида, шунингдек, Тошкент шаҳрида аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш учун давлат тасарруфидаги ҳамда кўплаб хусусий дорихоналар ишлаб турибди. Ушбу дорихоналар юртдошларимиз, ҳамшаҳарларимизни зарур бўлган дори-дармонлар билан тўлиқ таъминламоқда. Расман рўйхатдан ўтиб, тегишли тартибда рухсатномалар олиб ишлаётган дорихоналардаги дори-дармонларнинг сифатига ушбу дорихоналар раҳбарлари тўлиқ жавобгардир.

Бироқ, ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида, бойлик орттириш илтифиди, фуқароларимиз соғлиғидан ўз шахсий манфаатларини устун қўядиган шахслар, яъни қўштирноқ ичидаги дорифурушлар ҳам учраб турибди. Айниқса, бундай фаолият билан аёлларнинг шуғулланиши ачинарли ҳолдир. Бунга Чилонзор тумани ИИБ тергов бўлими томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган бир неча жиноят ишларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин.

2006 йил 31 январь куни ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 10-мавзедан ноқонуний равишда (исмлар ўзгартирилган) Муҳаббат ва Раҳималар «Сибазон», «Клофилин», «Мидазолан», «Реланиум»,

«Нозипан», «Бромазепан» каби дори-дармонлар билан савдо қилаётганда қўлга олинганлар.

2006 йил 29 март куни худди шу ерда Азиза исмли аёл ҳам ноқонуний равишда дори-дармонлари билан савдо қилаётганда ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Ундан 15850 дона

да у инсон руҳиятига, соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, бу дори-дармонларнинг сифатига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки уларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқ. Бу-

ИМОННИНГИ СОТГАНЛАР

«Феназепам» дориси олиб қўйилган. Ўтказилган судкимё экспертизаси ҳулосасига кўра ушбу дорилар таркибида психотроп воьситалари борлиги аниқланган.

Олиб қўйилган ушбу дори-дармонлар махсус дорихоналарда, шифокорнинг рухсати билангина чекланган миқдорда фуқароларга сотилади. Буни сотувчилар била туриб ноқонуний хатти-ҳаракат қилишган. Ушбу дори-дармонларни фуқаролар ўзбошимчилик билан истеъмол қилишлари оқибати-

лар мамлакатимиз ҳудудига қандай йўллар билан кириб келганлиги тергов давомида аниқланади. Ақли-хуши жойида, ёши бир жойга борган, ўқимишли бу аёлларнинг нима учун шундай ишга қўл урганликлари кичини ажаблантиради.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, республика-

миз аҳолиси, шунингдек, шахримиз фуқаролари керакли дори-дармонларни тегишли дорихоналардан сотиб олишса бу билан ўзлари, фарзандларининг соғлиқларини асраган бўларди.

Неъмат МАМАЖАНОВ,
Тошкент шаҳар
Чилонзор тумани ИИБ
ТБ бўлими бошлиғи, майор.





МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА


Ҳазрат Мир Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида қайта ташкил топди. Саксондан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшаётган вилоятимизда мустақиллик билан боғлиқ ўзгаришлар беҳисоб. Муболагасиз айтиш мумкинки, вилоят марказидан энг олис қишлоқларгача истиқлолнинг кутлуғ одимларини кўриш мумкин. Айниқса, Навоий шаҳри кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Юз гектар ерда барпо этилган боғни саҳро ўртасидаги жаннатга қиёс этуликдир. Бу сўлим масканда байрам тантаналари, халқ сайллари ўтказилмоқда. Халқимизнинг улуг шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Навоий бобомиз ҳайкали боққа яна улугворлик бахш этиб турибди. Замонавий услубдаги кўпқаватли уйлар, янгидан қад ростлаётган мухташам иншоотларга кўзингиз тушганда беихтиёр буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг» деган иборалари ёдга келади.

Донишманд халқимиз тинч, осойишта юртда фаровонлик, кут-барақа бўлади, деб бежиз айтмаган. Худудда барқарор вазиятни сақлаш, эл-юрт осойишталигини таъминлаш борасида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча жабҳаларда бўлгани каби ички ишлар тизимларида ўтказилган ислохотлар жараёни

соҳани янада такомиллаштириш, хизмат самардорлигини оширишда муҳим қадам бўлди. Маълумки, ислохотларнинг бош мақсади — ҳар жиҳатдан етуқ ва баркамол ички ишлар ходимларини шакллантириш, ички ишлар ходимларини халққа яқинлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий билимини юксалтиришга, шу йўл билан ҳуқуқбузарликларнинг

чекка худудларида ҳам милиция таянч пунктлари ташкил этилишига алоҳида эътибор қилинди. Истиқлолдан олдин Томди туманининг энг чекка овулларида ёки Конимех тумани марказидан 225 километр олисда таянч пунктлари ташкил қилинишини ким ўйлабди, дейсиз. Эндиликда бу ерда профилактика инспекторлари жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Нафақат вилоят маркази, балки олис туманлардаги МТПларда ҳам ходимларга зарур шароитлар яратиб берилмоқда.

Вилоятда «Энг намунали милиция таянч пунктлари» сифатида қайд қили-



ППХ батальони ходимлари ихтиёрига берилди. Ўз навбатида Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳомий сифатида «Родник» русум-


ли автобус билан таъминлади. Мустақиллигимиздан аввал бу имкониятларни фақат орзу қилиш мумкин эди. Замонавий компьютер, алоқа ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминланган ходимларимиз ўзларига топширилган вазифаларни юқори кўламда бажармоқдалар. Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида айни вақтда янги турдаги тезлик ўлчовчи ва алоқа воситаларидан фойдаланилмоқда. Вилоятнинг транспорт серкатнов худудларида жойлашган ИПХ масканлари ҳам энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган.

Айтиш жоизки, ходимларнинг хизмат шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқарма раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Конимех ва Навбахор туманлари ИИБлари янги қурилган замонавий биноларга кўчирилди. Бошқарма ШТБХ ходимлари учун алоҳида бино ажратилиб, таъмирдан чиқарилди. Бу каби хайрли ишлар келгуси хизмат ютуқларимизга пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги — энг улуг бахт. Бу бахтни асраш ҳар биримиздан катта масъулият, ҳушёрлик ва фидойиликни талаб этади. Барқарор вазиятни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг турли кўринишларига барҳам беришда изчиллик ва янада қатъият билан ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритар эканмиз, юрт равнақ топаверди, истиқлолнинг истиқболли одимлари меҳнаткаш, тинчликсевар халқимизга фаровонлик, файзбарақа бахш этаверди.

Азамат ШАКАРОВ,
Навоий вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари,
полковник.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ



олдини олишга қаратилган. Бу борада профилактика инспекторлари зиммасига, айниқса, катта масъулият юклатилган. Ҳозирги кунда вилоятдаги милиция таянч пунктларининг аксариятида профилактика инспекторлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Юртбошимизнинг «Республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида, энг чекка аҳоли яшайдиган жойларида ҳам профилактика инспектори бўлсин, шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, ғам-ташвишлари билан яшасин», — деган эди. Шу талаблардан келиб чиқиб, вилоятнинг энг

ниб, республика кўриқ-танловларида юқори баҳоланган Навоий шаҳридаги 6-сонли, Хатирчи туманида жойлашган 105-сонли, Зарафшон шаҳридаги 15-сонли милиция таянч пунктларининг муваффақияти ушбу соҳага бўлган юксак эътибор ифодасидир.

Ислохотлар самараси ўлароқ, ички ишлар идораларининг бошқа тизимлари каби патруль-пост хизмати ҳам тубдан ўзгарди. Таққослаб қарайдиган бўлсак, мазкур соҳа кейинги йилларда сезиларли равишда такомиллашди. Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост батальони учун алоҳида бино ажратилиб, қайта таъмирланди. Барча қулайликларга эга бўлган хизмат хоналари, кўргазма воситалари билан жиҳозланган «Маърифат хонаси», спорт майдончаси мавжуд. Бундан ташқари, битта «Дамас», учта «Нексия», 14 та «Матиз» автомашиналари

ШУЖРОНА

Республика ички ишлар идораларида салкам 40 йил хизмат қилдим. Умримнинг энг қайноқ дамлари ички ишлар хизматида ўтди. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Чунки мустақиллик жуда катта имконият эшикларини очиб берди. Энди ёниб ишлайдиган давр келди. Негаки, шинам ва озода хизмат хоналари, компьютер, алоқа воситалари, хуллас, ҳамма шароит бор. Ҳукуматимиз ички ишлар ходимларининг хизмат шароитларини яхшилаш, уларга қулайликлар яратиш йўлида қайғуряпти.

Бир неча йилдан буён бошқарма фахрийлар кенгашига раҳбарлик қилиб келаялман. Айни вақтда 2600 нафардан зиёд фахрийлар ҳисобда туради. Улар орасида кам таъминланган, касалманд, ноҷор, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кексаларимиз бор. Узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб нафақага чиққан, боқувчисини йўқотган, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласи, уруш қатнашчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқарма раҳбариятининг

доимий эътиборида. Токи, кексаларимиз ҳаминша эътиборда эканликларини ҳис қилсин, ёлғизлиб қолишмасин. Шу мақсадда байрам кунлари уларнинг ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, совға-саломлар билан йўқлашни канда қилмаймиз. Умр шамолдан ҳам учқур экан. Ёшим саксонга қараб боряпти. Ўзбекистонимизни мустақил кўрганим, шу кунларга етганимга шукур қиламан. Ҳали ҳам кимгадир нафим тегса қувонаман. Илоҳим юртимиз тинч, обод, осмонимиз беғубор, мустақиллигимиз барқарор бўлсин.

Саидрахмад МАДАМИНОВ,
вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси.

КЕЛАЖАК УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Юртимиз мустақилликини қўлга киритганида 10 ёшда эдим. Утган йиллар давомида Истиқлол нима эканлиги, Мустақиллик деган сўзнинг моҳиятини теранроқ англадим. Отам кўп йиллардан бери мактабда дарс берадилар. Бизни ҳам ўзлари ўқитган. Қалбимизда ўқишга, билим олишга меҳр уйғотган ҳам дадам.

Бир олам орзулар билан 2000 йилда республика Ички ишлар вазирлиги Академиясига ўқишга кирдим. Ички ишлар идораларида хизматни бошлаганимга эса икки йил бўлди. Ҳозир Навоий шаҳар ИИБ тергов хизматида ишлайман. Ўз касбимни яхши кўраман, шундан бўлса керак қийинчиликларни сезмайман. Касб сирларини чуқурроқ ўрганишга, бу борадаги билимларимни янада оширишга ҳаракат қилаялман. Биз овоз ва жаннатмакон дидёрда яшайамиз. Унинг бугунги келажаси учун масъулмиз.

Президентимиз куюнчаклик билан айтганларидек, тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз, Мустақиллигимиз барқарорлигини таъминлашимиз керак.

Шахло ЎРОҚОВА,
катта лейтенант.

«Инсонлар савдоси» жумласи жуда ҳам совуқ эшитилади. Наҳотки, бизнинг давримизда ҳам инсонлар билан савдо қилишяпти? Афсуслар бўлсинки, бу собиқ иттифоқ таркибига кирган давлатларнинг деярли барчасида мавжуд.

Сўнгги пайтларда газета ва журналлар саҳифаларида хотин-қизларни алдаб-сулдаб хориж давлатларига олиб чиқиб, қул сифатида сотиш, хўрлаш ҳоллари ҳақида турли мақолалар чоп этилмоқда. Дарҳақиқат, даҳшатли тафсилотларга бой бу ҳикояларда инсон ҳуқуқларининг поймол қилинаётганлиги аниқ далиллар билан тасвирланади. Зўрлаш, ҳақоратлаш, таҳқирлаш, алдов, кўрқитиш, тазйиқ ўтказиш... Ушбу рўйхатни яна ва яна давом эттириш мумкин. Аммо бир савол пайдо бўлади: УЛАР ўзи кимлар? Хотин-қизларни оддий ҳуқуқларидан маҳрум қилаётган, ҳақоратлаётган, таҳқирлаётган жиноятчиларми? УЛАР шу жиноятни ўзига касб қилиб олганларми? Балки жабрланган хотин-қизлар учун УЛАР ҳақиқий ваҳший жиноятчилардир ёки жоҳиллардир. Аммо ким бўлишига қарамай УЛАР жамият учун хавфли бўлган жиний фаолият билан шуғулланаётган бизнинг фуқароларимиздир.

Инсонлар савдосини амалга ошириш жараёни узундан-узун занжирдан иборат. Унинг дастлабки босқичи одам ёллаш бўлса, давоми уни бошқа давлатга олиб ўтиш, алдаш, ўзга шахсга топшириш ва ниҳоят эксплуатация қилиш ҳолатларини ўзида жамлайди. Ходисалар занжирининг бошланишида, яъни ёллаш ва олиб ўтиш жараёнида жуда ҳам қизиқ бир ҳолатга тўқнаш келинади — УЛАР жуда ҳам меҳрибон, мулойим ва ғамхўр инсонлар бўлиб кўринишади.

...Ёш қизни меҳрибон хола икки ой давомида ҳар кун мактабнинг дарвозаси олдида кутиб олар, учрашишганида қизикарли ва кулгили ҳодисалардан гапириб берар, музқаймоқ билан сийларди. Биргалликда боғларда сайр қилишарди. Кейинчалик, кунларнинг бирида қизалоқни кўпқаватли уйнинг бир хонасига олиб келиб жойлаштиришди, ҳеч қачан вақт ўтмай уни Дубайга олиб бориш-

ларини айтишди. Қизалоқ бўлаётган воқеалардан жуда ҳам кўрқиб кетди ва кўйиб юборишлари ни сўраб ялиниб-ёлвора бошлади. Шундан кейин меҳрибон холажонни худди ёвуз ялмоғизга айлангандек бўлди. У бақариб, дўқ-пўписа қилиб, кўрқита бошлади. Аҳвол ҳаттоки калтаклаб, турли қийноқларга солишгача борди.



УЛАР КИМЛАР?

УЛАР навбатдаги жабрланувчиларини тўрларига илинтириш мақсадида айнан ёллаш жараёнида шунчаки катта маош тўланадиган яхши иш топишда ёрдам беришмоқчи бўлган киши қиёфасига киришади. Шунангидан меҳрибон ва ғамхўр бўлишадими, ҳатто авиакомпания сотиб олишда, ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам ёрдамларини таклиф қилишади. Албатта, гап орасида ҳечқиси йўқ, қачон пул ишлаб топилгани бошласанг, шунда қарзингни қайтарсан деб кистириб кўйишади. УЛАР қаҳвахоналарга таклиф қилишлари, энг мазали таомлар билан сийлашлари, қиз истаган кийимларини, косметика ашёларини ва бежирим сумкачаларни олиб беришлари мумкин. Хорижга олиб ўтиш вақтида ҳам дунёдаги энг яхши инсонлардан бири бўлиб кўринишади. Кўпчилик ҳолларда қўшни давлатлар орқали олиб ўтиш ҳолатлари ҳам учрайди. «Нима учун Тошкент-

дан кетмаяпмиз?» деган саволларга оддийгина «Тўғри борадиган самолёт йўқ!» деган жавобни олишади. Белгиланган «манзилга»

лар уйларида умуман бошқа нарсаларни ваъда қилишганини айтишганида ўша дунёда энг меҳрибон ва мулойим хола тиржайиб бундан бошқа ҳеч қандай иш йўқлигини маълум қилади. Қизлар уларнинг талабларини бажаришдан бош тортишни бошлашса, саҳий хола дарҳол ўша тансиқ таомлар билан меҳмон қилинган қаҳвахоналарни, бежирим сумкачани-ю ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва авиакомпания харажатларини эслатиб қўяди. Албатта, катта супермаркетдан танлаб-танлаб сотиб олинган буюмларни эслатиш ҳам ёдларидан чиқмайди. Кўпчилик ҳолларда ушбу босқичда яна бошқа бир хола, кутилмаганда уларни сотиб олганлигини, олдинги холасига яхшигина ҳақ тўлаб қўйганлигини, энди унга сарфланган олдинги харажатларни ҳам қўшиб

риб юборишади. Айрим ҳолларда инсонийликни унутмаган ва меҳрибонлик кўрсата оладиганлари авиакомпания ҳам олиб беришади. Лекин бу каби ҳолат жуда ҳам кам учрайди. Фақатгина бу чипталар Шаржа-Тошкент рейсларига эмас, балки нархи арзонроқ тушадиган Шаржа-Ўш рейсларига олинган бўлади.

Қизлар қайтиб келишганидан сўнг бироз ўзларига келишгач, хорижда қандай калтак ейишгани, камситилганлари ва ҳақоратланганликларини эслашади. Бир қизнинг оёқ-қўлларини ўриндиққа боғлаб қўйган ҳолда ёниб турган сигарет билан бўйнига «маржон шода»ларини теришган. Бизнинг ҳамюртимиздан бўлган «Босс» ёш йигит бўлишига қарамай ваҳшийлиги билан бошқалардан мутлақо ажралиб турарди. У қизларни оёқ-қўлларини ўриндиққа эмас, балки кроватга боғлаб қўйган ҳолда уларнинг баданларига қизиб турган дазмол босарди. Меҳрибон ва ғамхўр кишилар қаерларга гойиб бўлишди?

Шафқатсизлик — бу занжирнинг энг охириги босқич — эксплуатацияда иштирок этиадиган кишилар феъл-атворининг асосий чизгиларидир. УЛАРнинг ҳам қизлари бордир? Вақти келиб қизлари вояга етгач, уларнинг ҳам бошига шу кун тушса-чи?.. Йўқ, албатта, УЛАР бу ҳақда ўйламайдилар, фақат ва фақат кимнингдир қизини, опа-сингилсини, неварасини сотиб фойда кўришни, даромад топишни кўзлаб яшайдилар.

Нима қилиш керак, ушбу занжирни қандай қилиб узиш мумкин? Албатта, олдини олиш чора-тадбирлари олиб бориш, аҳолининг хабардорлигини ошириш, улар орасида турли хил огоҳлантирувчи тадбирларни ўтказиш, айниқса, ёшларга алоҳида эътиборни қаратиш керак.

Шубҳасиз, юқоридаги каби аҳволга тушиб қолганларга ҳам ёрдам кўрсатиш зарур. Биринчи навбатда ватанларига қайтишларида, шунингдек, руҳий ва тиббий ёрдам бериш зарур. Бошларига тушган кўргуликни унутишларида кўмаклашишга ҳаракат қилиш керак. Буни амалга ошириш, балки, жуда ҳам қийин бўлар, балки, умуман иложи йўқдир.

Шу ўринда яна саволлар туғила бошлайди: УЛАР кимлар? УЛАРнинг тузоғига тушиб қолишдан қандай ҳимояланиш мумкин?

БУНИНГ УЧУН:

- юз бераётган ҳар қандай вазият ва ҳолатга диққат-эътибор билан ёндашиш;
- турли совға ва эътибор, мулозаматларга «эриб» кетмаслик;
- кўрсатилган беминнат ғамхўрлик ва эътиборнинг қайси мақсадга йўналтирилганини аниқлаш, сергак бўлиш;
- чет давлатларга воқонуний ва норасмий йўллар билан ишлаш учун бориш жуда ҳам хавфли эканлигини доимо ёдда тутиш зарур.

Шоҳида ҚОСИМОВА,
«Istiqbolli Avlod» ёшлар ахборот-маърифат маркази директор ассистенти.



«Биз Сизни Европанинг истаган давлатларидадан биринчи ишга қўлайимиз!»

«Сиз у ерда кунига 300 доллардан ортиқ алаб!»

«Мўржамаш, малярия — Англияга эмал, Португалияга кўриб, Тунисга ёрқинлик!»

«Ўқиб боришимиз мумкин. Баъзи ерларда ўқиб оқимизларимиз ёр, хўнсангларимиз, расмий вақитларимиз. Биз ўқиб қўлайимиз!»

ЖИНИ
о 35 лет
30та в 5-ти
очном отел!
00 до 1 50С

ЖЕНЩИНЫ
30-55л.

Работа в Великобритании:
Отели Великобритании. Месо-, рыбопереработка и упаковка продуктов питания - зарплата от 4,5 английских фунтов в час (мужчины и женщины от 18 до 30 лет). Рабочая виза. Контракт.

Стоимость программы от 2000 евро (без стоимости авиабилета и таможенного сбора)

У ВАС нет работы? ВАС не устраивает ВАША работа? Значит, ВЫ не японили!!!! Т. 42-52

«Мои трудовотрони вас в любой стране Европы!»
Зарплата от 300 у.е. в день.
Требуются люди в Англию, Ирландию, Португалию, Франция и Грецию. У нас всегда есть свои люди, оформленные для вас на любую страну!

«У ерда ўқиб оқимиз, кўришимиз, расмий вақитларимиз, баъзи ерларда ўқиб оқимиз, кўришимиз, расмий вақитларимиз. Биз ўқиб қўлайимиз!»

етиб келингандан кейин дастлабки кунлари алдовга лаққа учганлар ҳар қалай ванна қабул қилиш ва тиниқиб дам олиш имконини берувчи яхши меҳмонхона билан таъминландилар. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ташвишини уйламасалар ҳам бўлади. Фақатгина паспортларини беришса кифоя. УЛАРнинг ўзлари ҳамма ташвишни ҳал қилишади. Ишонмай бўладими, ахир, УЛАРнинг жуда ҳам меҳрибон ва ғамхўрликларига шубҳа йўқ-ку!

Ниҳоят кутилмаганда қизларга нима билан шуғулланишларини эълон қилишади. Қиз-

нага олиб кетади. Хўш, ундан кейин-чи? Кейин эса қизлар кўнгирак қилишни ва арзимас нарсаларни: холажонлардан паспортларини олиб келиб беришларини ва уйларига қайтишлари учун авиакомпания сотиб олиб беришларини сўраб илтимос қила бошлайдилар. Қизлар кўнгирак қиладилар, ёлворадилар, йиғлайдилар... Кўпчилик ҳолларда «меҳрибон холажон»ларнинг телефонлари учирилган бўлади ёки кўнгирак қилувчиларга бу рақам мавжуд эмаслиги ҳақида эринмай такрорлашади. Баъзан ҳақиқатдан ҳам ғамхўр холалар кимлардандир қизларнинг паспортларини бе-

Ботир ака хотини Барно вафот этганида ҳам бунчалик тушқунликка тушмаганди. Номус ўлимдан ёмон, деганлари рост экан. Ботир ака эл-юрт олдида бош кўтариб юролмайдиган бўлди...



ИСНОД

Эндигина ўн олти ёшга тўлган Маҳлиёга онасининг ўлими қутилмаган оғир мусибат бўлди. Ёлғиз қиз бўлгани учунми онасининг суянчиғига айланиб қолганди. Қизининг келажагини ўйлаган Ботир ака Маҳлиёни коллежга ўқишга юбормоқчи бўлди. Аммо у буни ис-тамади. Ота ёлғиз қизининг раъйига қарши бо-ролмади. Аммаси «Қиз бола бировнинг хасми, вақтида жойини топиб кетгани маъқул», дея маслаҳат берди. Хуллас, тўрт ойдан сўнг уни қариндошларининг ўғлига турмушга беришди. Икки ёш ота-онасининг хоҳиши билан турмуш қуришган бўлишса-да, тўйдан кейин иноқлашиб кетишди, юлдузи-юлдузи-га тўғри келди. Афсуски, тақдир Маҳлиёга бу бахтни кўп кўрди. Ёлғиз фарзанди Темурбек бир ёшга тўлганида умр йўлдоши Фарҳод автоҳа-локатда ҳалок бўлди. Оғир мусибатга чидалмаган келинчак ўзини кўярга жой тополмай тинмай йиғларди. Унинг бу оху-фарёди-га ҳеч ким малҳам бўлол-мади. Суюкли ёридан ай-рилган Маҳлиё бамисоли

тирик мурдага айланиб қолганди. У фақат ёлғиз ўғлига қарагандагина кўнгли бироз таскин топ-гандек бўларди. Фарҳод-нинг маъракалари ўтгач, Ботир ака қудалари билан маслаҳатлашиб, Маҳлиё-ни уйига олиб кетмоқчи бўлди. Нурмат ака анча босиқ, мулоҳазали киши эди.

— Қелинимиз бизга қиз бўлиб қолганди, — деди у бироз хўрсиниб. — Энди шу хонадоннинг бир аъзоси. Шундай экан, нима қилиш кераклигини унинг ўзи ҳал қилсин. Не-варамиз қаерда тинч, омон бўлса, биз ҳам

хотиржаммиз. Аммо уни кўрмасдан яшолмаймиз.

Фарзанд доғида юрак-бағри қон бўлган Нурмат ака кўзларидаги ёшни кўлидаги рўмолчаси билан артиб қўйди.

Бу гапдан хабар топган Маҳлиё:

— Ҳеч қаерга кетмай-ман! Фарҳод акамнинг чирогини ёқиб, шу ерда яшайман. Фарзандимни ўзим катта қиламан. Фар-ҳод акамнинг орзу-умид-лари бор эди. Уни рўёбга чиқаришим керак, — деди ҳеч иккиланмай.

— Майли, келин нима деса шу, — деди Нурмат ака Маҳлиё-

нинг гапларидан анча те-тиклашиб. — Ихтиёр ўзида. Неварамиз ёнимизда бўлса, ўғлимизни кўрган-дек бўлиб юрардик.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Оила, фарзанд таш-виши билан андармон бўлган Маҳлиёга бева-лик, ёлғизлик энди-энди билина бошлади.

... Тушликдан сўнг Нур-мат ака хотини билан қариндошларининг уйига тўйга отланди. Йўл олис-лиги сабаб улар ўша куни тўйхонада қолишди. Ўғли Темур билан уйда ёлғиз қолган Маҳлиё кун бўйи уй юмушлари билан банд

да кўшни йигит Турсун-бой кўринди.

— Узр, янга, — деди Турсунбой бемаҳалда кел-ганидан хижолат чекиб, — Нурмат акам йўқмидилар?

— Улар тўйга кетганди, — деди Маҳлиё бутун ву-жудини жунбушга келти-раётган кучли бир ҳис-сиётни яширолмай. — Эр-тага келарканлар. Қани, ичкарига кир.

— Бир, икки чеким нос сўрамоқчи эдим. Менда тугаб қолибди. Айни шу чоқда хумори тутиб қолди.

Маҳлиё Турсунбойга бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин журъати етмади. Унинг кўзларидаги илти-жоли қарашлар кўшни йигитни эсанкиратиб қўйди. У беихтиёр ичка-рига кирди-ю, ўт бўлиб ёнаётган Маҳлиёни бағ-рига босди...

Шу-шу, улар онда-сонда пинҳона учрашиб юришди. Аммо Маҳлиё ўзи билмаган ҳолда Тур-сунбойдан ҳомиладор бўлиб қолди.

Воқеа ошқор бўлгач, иснодга чидалмаган Нур-мат ака ўғлининг руҳини чирқиратиб, унга хиёнат қилган келинини уйдан ҳайдаб юборди. Отаси Бо-тир ака ҳам қизига пеш-воз чиқмади. Энди у ёлғиз қизидан ҳам айрилган, ҳеч кими йўқ тирик мур-дага айланганди. Кўз ўнгида Маҳлиёнинг оғирроқ бўлиб юришидан баттар сиқилган Ботир ака ётиб қолди. Орадан кўп вақт ўтмай Маҳлиё-нинг кўзи ёриди. Эгизак фарзандлар дунёга келди. Ўша куни эса Ботир ака-нинг жони узилди...

Худойберган ЖАББОРОВ.



Эркин пули кўп бўлишини жудаям хоҳларди. Аммо жонини койитиб меҳнат қилгиси келмасди. Пул эса ўз-ўзидан келмайди, осмондан тушмайди. У ўйлаб-ўйлаб Россияга ишлагани боришга қарор қилди.

Набережние Челнида Юля исмли бир қиз билан танишиб қолди. Иккиси бир-га яшаб, ўрталарида ишқий

ҚОТИЛЛИККА ЕТАКЛАДИ

муносабатлар бошланди. Эр-кин қиздан яқинлари нима-лар билан шуғулланишини суриштириб билди.

Юля Эркинга ўғай

отаси ва унинг ўғли билан муносабати ёмонлигини ай-тиб берди.

— Улар яшаётган уй кимники? — гап орасида сўради Эркин.

— Уй онамнинг номида. Қонун бўйича менга мерос бўлиб қолган. Аммо ўғай отам билан Сергей ҳам хо-надонда рўйхатда туришди, — деди Юля.

— Балки, улар сени уйдан сиқиб чиқаришмоқчидир? — ўсмоқчилади Эркин.

У қиз билан яна бир оз гаплашган бўлиб, ишга

кетди. Кун бўйи у масала-си хаёлидан кўтарилмади. Миясида хонадонни қўлга киритиш режаси пишиб етилди.

Юля ҳам уни баттар гиж-гизлади. Агар ўғай отам билан ўғли бўлмаганида икко-вимиз ижара пули тўлаб ўтирмасдик, ўша уйда яшар-дик, деди. Бир куни Эркин Юлядан улар билан таниш-тириб қўйишни сўради. Ўзи бир шиша ароқ, газаклар со-тиб олди.

Алексей Иванович меҳ-монларни очиқ юз билан ку-

тиб олди. Сергей ҳам Юля-нинг дўсти билан танишга-нидан хурсанд бўлди. У ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўти-ришди, ичишди. Кейин ёшлар ўз хонадонларига қай-тишди. Эркин йўл бўйи ҳозиргина ўзи меҳмон бўлган хонадонни эслаб кетди.

— Кенг, шинам экан. Энг муҳими ўзимизники бўла-ди. Нимадир қилиш керак, — беихтиёр тилидан чиқиб кетди.

— Нима деяпсан? — сўра-ди Юля.

— Йўқ, ўзимча, — гапни айлантди Эр-кин, сўнг қиз-нинг ўғай отаси-га қандай муно-сабатдалигини суриштирди.

— Иккови ҳам қанчалик жоним-га текканлигини билганинга эди, — хўрсин-ди Юля, сўнг кўшиб қўйди: — Уни йўқотмоқчимисан?

— Йўғ-е, нималар деяп-сан, тентак?

— Эҳ, мен бўлсам... — Юля хўрсиниб қўйди.

Эркин бир оз сукут сақ-лаб туриб, Юлядан ўғай ота-си қай пайт уйда бўлишини сўраб билиб олди. Сўнг бир неча кун пайсалланиб юрди. Яқшанба куни эса қўйнига пичоқ яшириб, Алексей Ивановичникига йўл олди. Эшикни Сергей очди.

— Эрик амаки, келинг, —

деди у қувониб, — ичкарига киринг.

— Отанг қани? — сўради Эркин.

— Ҳозир келиб қоладилар. Бозорга кетган эдилар, — ўсмир эшикни ёпиши билан Эркин унинг қорнига урди. Сўнг пичоқ ўқталиб:

— Юля мендан қарздор. Бор пулларигни чиқар, бўлмаса ўлдираман, — дея дағдаға қилди.

Шу пайт кўча эшиги очи-либ, Алексей Иванович кўринди.

— Бу ерда нима бўлаётти ўзи? Ўғлим, сенга нима қилди? — Хангу манг бўлиб сўради у.

— Ўчир овозингни, йўқса, сени ҳам ўлдираман. Чиқар пулларигни! — дўқ урди Эркин.

Иккови муштлаша ке-тишди. Серёжа фурсатдан фойдаланиб кўчага қочиб чиқди. Эркин Алексей Ива-новичга бир неча марта зарб билан пичоқ урди. Жабрдий-да олган жароҳати туфайли шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмди.

Эркин қилғилиқни қилиб Ўзбекистонга қочиб келди. Россияда унга нисбатан жи-ноят иши қўзғатилиб, қиди-рув эълон қилинди. Бугунги кунда Қ. Эркин қўлга олин-ди. У тез орада суднинг қора курсисига ўтиради.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.




POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

17 июль – 23 июль

Чикагодаги наشريётлардан бирининг камтар – камсуқум ходими Том Стэнсфилд хўжайинининг қизи Лиза Тейлорни ғойибона севади. Аммо азбаройи хўжайинидан қўрққанлиги туфайли қизга муҳаббат изҳор этишга юраги бетламайди. Тақдирнинг мурувватини қаранги, бир куни унга тун бўйи жаноб Тейлорнинг хонадо-нида навбатчилик қилишни топширишади...



«ХЎЖАЙИНИМНИНГ ҚИЗИ» («ДОЧЬ МОЕГО БОССА»)

«Биринчи» канал,
шанба 21.45

Ролларда:
Марк Эйсбетт,
Эштон Катчер,
Жон Абрахамс.



Наперекоски
с леденой
смертью

ДТВ, пайшанба
23.00 «КЎЧКИЛАР ВОДИЙСИ»
 («ДОЛИНА ЛАВИН»)

Рика учун омадсиз кун бошланди. Унинг унча катта бўлмаган чанги курорти банкрот бўлиш арафасида. Инвесторлар ҳам ундан юз ўгиришади. Менежери бўлса доим маст-аласт ҳолда юради. Ёш ва гўзал хотини ҳалок бўлади. Бунинг устига даҳшатли табиий офатни – қор кўчкисини даф этиши, бунинг учун эса икки соат ичида етти-та бомбани зарарсизлантириши лозим. Акс ҳолда курорти қор остида қолади.

Ролларда: Эд Маринаро, Ник Манкузо, Кирстен Робек.

«Россия», жума
23.40 «ПЕЛИКАНЛАР ИШИ»
 («ДЕЛО О ПЕЛИКАНАХ»)

Олий суднинг икки аъзоси сирли тарзда ўлим топгач, Федерал қидирув бюроси ва Марказий разведка бошқармаси мутахассислари боши берк кўчага кириб қолишади. Аммо бу қотилликлар ҳуқуқшунослик факультети талабасини қизиқтириб қўяди. У ўз текширувини бошлашга аҳд қилади. Жасур журналист ёрдамида ҳақиқатнинг тагига етмоқчи бўлади. Буни уддалай олишармикан?..

Ролларда: Жулия Робертс, Роберт Калп, Дензел Вашингтон.



СТС, якшанба
23.50 «ШАРПАЛАР АСИРИ» («В ПЛЕНУ У ПРИЗРАКОВ»)

Дэвид Кембриж университетида дарс беради ва сеҳргарларни фош этувчи мақолалар ёзади. Бир куни қадимий қасрда истиқомат қилувчи Мэриэллар хонадо-нида энагалик қилувчи аёлдан ҳасрат тўла мактуб олади. Дэвид аёлни тезда тинчлантиришга қарор қилади. Аммо кўп ўтмай ўзининг руҳан соғломлигига шубҳаланиб қолади. Сабаби унга қоронғилик қўйнидан даҳшатли шарпалар чиқиб кел-лаётгандек туюлаверади.

Ролларда: Эйдан Куинн, Кейт Бекинсейл, Энтони Эндриус.

«Ўзбекистон» телеканал

Хурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан душанба, 17 июль куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00-15.45 «Тахлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «КулдиРИНГ».
18.15 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телесериал.
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «ОХАНГЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ». АНВАР СОБИРОВ.
22.00 «Чин муҳаббат». Телесериал премьераси.
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 Тунги сериал: «Шаҳарлик фаришта».
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Шум болалар.
17.15 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.25 Қизил худуд.
17.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
17.50 Мусикий лаҳзалар.
17.55 Анонслар.
18.00 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Сериал.
18.40 UzEX хабарлари.
18.50 Ватан хақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 CINEMANIYA.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
21.00 «Фурур». Сериал. 21-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS - танлов.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 Анонслар.
22.55 Ёшлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Сериал.

23.45-23.50 ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ.

«Тошкент» телеканал

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт». (рус).
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.
19.15 2006 йил - Хомийлар ва шифокорлар йили: «Саломат бўлинг». (рус).
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.55 «ТВ-анонс».
20.25 «Яхши ёмон йигитлар». Телесериал. (рус).
20.50, 21.25 «Телекуррьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Журналист тахлили».
22.00 «Таътилга чиқолмадик». Бадиий фильм.
23.10-23.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 Мультфильм.
8.40 «Болалар спорти».
9.00 «Талкин». Информацион-тахлилий кўрсатув.
9.30 «Мониторинг».
10.00 Ўзбекистон чемпионати Кўл жанги.
10.30-11.15 «Волшебник изумрудного города». Мультфильм.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Голая наука». Док. фильм.
19.45 «Спортимиз маликалари».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.35 Жаҳон спорти юлдузлари
21.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида)
21.50 «Заколдованный участок». Сериал.
22.40 Велоспорт. Тур де Франс.
23.10 «Проф-РИНГ».
24.00 «Тунигиз осуда бўлсин!»

30-й канал

17.00 Телеэкспромт
17.30 Мультфильмы
18.20 Мусикий лаҳзалар
18.40 «Шахрисабз - ТВ»
19.00 Ошикона
19.40, 21.45 Телехамкор
20.00 Мусикий табассум
21.00 «София, дай мне время», сериал
21.55 Мусикий табассум
22.25 «Самарканд - СТБ»
22.30 «Кашкирлар макони», сериал

«Первый»

4.55 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.15, 4.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.35 «Агент национальной безопасности». Фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.05 «Малахов +»
11.15 «Проклятые клады»
12.10 Фильм «Егерь»
14.15 «Без комплексов»
15.20 «Детективы»
15.55 «Пусть говорят»
17.20 «Криминальная Россия».
«Люди исчезают в полдень»
17.50 «Любовь как любовь». Фильм
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 «Офицеры». Фильм
21.25 «Дом Романовых. День последний»
22.30 «На ночь глядя»
23.30 Триллер «Обжора»
1.00 Фильм «Нарушитель спокойствия»
2.00 Время
3.10 «Рабство по контракту». Док. фильм
4.10 «Проклятые клады». Док. фильм

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Т/с «Любовь моя».
8:50 Сериал «Авантюристка».
9:50, 12:45, 15:40, 18:40, 23:10, 3:40 ВЕСТИ
10:50 Сериал «Мужчины не плачут».
13:40 Комедия «Рецепт колдуньи»
16:40 «Обреченная статья звездой». Телесериал.
17:40 Сериал «Волчица».
20:05 «Спокойной ночи, малыши!»
20:15 Сериал «Оперативный псевдоним».
22:10 «Валерий Ободзинский. Неизвестная исповедь».
23:30 Детектив «Угон».
0:30 «Дорожный патруль».
0:45 Фильм «Падающие скалы»
2:20 «Евроныос»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
7:10 Детектив «АДВОКАТ»
8:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
10:05 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:30 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО-2»
14:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:15 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
18:40 Сериал «ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА»
19:50 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»
20:45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
21:45 Сериал «ЛАНДЫШ СЕРЕБРИСТЫЙ»
22:45 Сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»
23:50 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:45 Фильм «В ПЕРВЫЙ РАЗ»
2:25 «СЕКРЕТНЫЕ АРХИВЫ КГБ»
3:05 «БИЛЬЯРД»
3:50 Сериал «АЛЬФ- II»
4:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 14.30 Мультфильмы.
10.00 Фильм «ОЗЗИ»
12.00 Фильм «ЛИНИЯ СМЕРТИ»
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Фильм «ТАИНА АЛЯСКИ»
17.30 Фильм «ПРОСТО МЕСТЬ»
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
20.00 Фильм «ПРЕДЕЛ»
22.00 Фильм «ПОСЛЕДНИЙ КОНТРАКТ»
0.00 Фильм «ОЧЕНЬ ДИКИЕ ШТУЧКИ»
2.00 Фильм «МОЕ КОРОЛЕВСТВО»
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
4.45 Фильм «ГОРЬКАЯ ЖАТВА»

ДТВ

7.30, 15.30 Мультфильмы.
9.00 Смешное видео.
9.30, 16.30 «Как уходили кумиры»
9.55 «Неслучайная музыка»
10.00 Телемагазин.
10.30 «Карданный вал +».
10.50 Фильм «НЕЗАБВЕННАЯ».
13.00 Смешное видео.
13.30 Сериал «КОМАНДА «А»».
14.30 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
17.00 Фильм «ВОЗДУШНЫЕ ПИРАТЫ».
18.50 «Неслучайная музыка»
19.05 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
20.00 Смешное видео.
20.55 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ».
22.00 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».
23.00 Фильм «АССОЦИАЦИЯ ЗЛОУМЫШЛЕННИКОВ».
1.15 «Карданный вал +».
1.30 Агентство криминальных новостей.
1.55 Сериал «КОМАНДА «А»».
2.50 «Девушки не против...»
3.20 «Удивительная гонка»
4.05 Фильм «ВОЗДУШНЫЕ ПИРАТЫ».
5.25 «Деньги с неба»
5.50 Музыка

ТНТ

4.45 «Москва: инструкция по применению»
5.10 «ДЕВСТВЕННОЦА». Теле-новелла.
6.05 «Глобальные новости»
6.10, 11.05 «Никеллодеоны»
7.25 Наши песни.
8.00 «РЕБЕНОК НАПРОКАТ». Комедия
10.00 «Антология юмора»
12.30 Такси.
13.00 Деньги на проводе.
13.30 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕННЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Детектив
14.00, 0.15 ОФИС
15.00, 20.00, 22.55 «Дом-2»
16.00 «Школа ремонта»
17.00 «Возможности пластической хирургии»
18.00 Такси.
18.30 Москва: инструкция по применению.
19.00 «Дикие дети»
21.00 Комедия «СЕРЖАНТ БИЛКО»
23.25 Москва: инструкция по применению.
23.55 Наши песни.
1.15 «РЕБЕНОК НАПРОКАТ». Комедия
3.00 «Голод»

СТС

7.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Фильм
7.40, 14.30 Мультфильмы
8.00 «33 квадратных метра».
8.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Фильм
10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.
10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.
10.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 Кино «ЛЮБОВНИЦА»
13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ». Фильм
14.00 «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС». Фильм
17.00 Комедия «ЛИЗЗИ МАГУАЙЕР».
17.30 Комедия «ШКОЛА «ЧЕРНАЯ ДЫРА»».
18.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Фильм
19.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
20.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Фильм
22.00 Кино «ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ»
0.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
1.00 «ЧАСТИ ТЕЛА». Фильм
2.00 «VERITAS. В ПОИСКАХ ИСТИНЫ». Фильм
2.45 Кино «МАЯТНИК».
4.15 Комедия «ТЕСНАЯ КОМПАНИЯ».
4.35 «ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО «ЛУННЫЙ СВЕТ»»
6.10 Музыка

7 ТВ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00. 7 новостей.
6.05, 13.05 «Советский спорт»
6.25, 22.25 Бокс. Легендарные бои XX века.
7.05 Зарядка для страны.
7.25, 8.25, 9.25 Веселые старты.
8.05, 18.05 «220 вольт».
9.05, 10.05, 19.05 Музыкальный трек.
10.25 «КОМАНДА-МЕЧТА». Телесериал.
11.05, 18.35 Звезда автострады.
11.25 NASCAR: Back in the day.
12.05 КОТУ: классика бокса.
13.25 Гольф. Европейская неделя.
14.05, 18.25 AutoFashion.
14.25 «Легкая атлетика». Журнал IAAF.
15.05, 17.05, 19.25, 20.25, 21.05 Экстремальный спорт.
15.35, 2.35 Гонки RTCC.
16.05, 22.05 Диалоги о рыбалке. Классика.
16.25 Бега и скачки.
17.25 Total регби.
20.05, 4.25 Магия оружия.
0.05 Дартс. Чемпионат мира.
1.05 Покер. World Poker Tour.
2.05 Ужасы спорта.
2.25 Картинг.
3.05 Покер. European Open Poker.
4.05 Бешеные колеса.
4.35 Экстремальный контакт.
5.05 Футбол. Чемпионат России. «Химки» (Московская область) - «Динамо» (Махачкала).

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Ёз - ўтмоқда соз»:
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Сехрли тун». Болалар учун фильм.
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги».
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Янгикўрғон». «O'zbektelefilm».
12.30 «Машхуранинг кизлари».
12.45 «Чин мухаббат».
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.10 «Шахсий фикр».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Ақл ва идрок».
17.40 ТВ-анонс.
17.45 «Жараён».
18.05 «Оханглар оғушида».
18.10 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.30 ТВ-анонс.
18.35 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «ЎздЭУавт - 10 ёшда».
22.10 «Чин мухаббат». Телесериал.
23.20 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.30 Тунги сериал: «Шаҳарлик фаришта».
23.55-24.00 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика 16.55 гача.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Эврика.
17.15 «Кичкинтой» театри: «Сув ҳам тугайдими?»
17.40 Болалар табассуми.
17.45 SMS-танлов.
17.50 Ватан ҳақида ўйлар.
17.55 Анонслар.
18.00 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Сериал.
18.40 Ёшлик наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатруль.
20.00 «ЖОКЕР» телелотореяси.
20.10 Анонслар.
20.15 Давр мавзуси.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Ёшлар.
21.00 «Фурур». Сериал. 22-қисм.

21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS-танлов.
22.40 Кўнгил таронаси.
23.00 «Ёлгон асираси». Сериал.
23.45 - 23.50 ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ.

«Тошкент» телеканал

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт». (рус).
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.
19.15 «Истеъмолчи минбари».
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.50 «ТВ-анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Телесериал. (рус).
20.50, 21.25 «Телекуръер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Инсон ва қонун».
21.55 «Улкан балиқ ови». Бадиий фильм.
23.05-23.10 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 Мультсериал.
8.45 «Болалар спорти».
9.00 «Хабарлар» (ўзбек тилида)
9.20 «Спорт клуб».
9.30 «Детективы».
10.00 Кураш. Республика турнири.
10.30 «Волшебник изумрудного города». Мультфильм.
11.15-12.10 «Талисман». Сериал.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.10 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.20 «Афины». Док. фильм. «Uzbektelefilm».
20.30 Жаҳон спорти: Теннис. АТР.
21.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида)
21.50 «Заколдованный участок». Сериал.
22.40 Енгил атлетика. Супер гран-при.
23.30 Велоспорт. Тур де Франс.
0.00 «Тунигиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.05, 16.45, 19.40 Телехамкор
12.25, 17.00 Детский час
12.50 «Солдаты», сериал
13.40 Муסיкий табассум
14.00 Фильм «Небеса в огне»
15.30 Ошикона
16.10 «Аёллар орзуси»
18.00 Болажон какажон
18.20 Муסיкий лахзалар
18.40 «Ишонч - ТВ»
19.00 Ошикона
20.00 Муסיкий табассум
21.00 «София, дай мне время», сериал
21.45 Муסיкий табассум
22.15 «Маргилон ТВ»
22.20 «Кашкирлар макони», сериал

«Первый»

4.55 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.15, 4.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.35 «Агент национальной безопасности». Фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.00 «Малахов +»
11.15 Сериал «Талисман»
12.20 Криминальная Россия
12.55 Сериал «Сыщики»
14.15 «Офицеры». Фильм
15.20 «Детективы»
15.55 «Пусть говорят»
17.15 Вне закона. «Хирург»
17.50 «Любовь как любовь». Фильм
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 «Офицеры». Фильм
21.25 Премьера. «Первый раз замужем»
22.30 «На ночь глядя»
23.30 Комедийный фильм «За сада»
1.30 «Коммандос». Документальный сериал
2.00 Время
3.05 «Гражданские браки звезд»
4.05 «Бандиты эпохи социализма»

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Т/с «Любовь моя».
8:50 Т/с «Авантюристка».
9:50, 12:45, 15:40, 18:40, 23:10 ВЕСТИ
10:50 Сериал «Мужчины не плачут».
13:40 Сериал «Оперативный псевдоним».
16:40 «Обреченная статья звездой». Телесериал.
17:40 Сериал «Волчица».
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 Сериал «Оперативный псевдоним».
22:10 «Челноки. Купить по-русски».
23:30 Детектив «Угон».
0:25 Фильм «Двойной просчет»
2:05 «Дорожный патруль».
2:20 Детектив «Человек войны».
3:30 «Евроныйос»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
7:10 Детектив «АДВОКАТ»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Тв юрист».
21.35 «Сиз кутган учрашув».
22.05 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
23.25-23.30 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Непутевые заметки».
9.25 «Пока все дома».
10.10 «Кувноқ стартлар».
10.50 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.10 «Мир животных».
11.55 «ПРОФ-РИНГ».
12.45 «Кунгилга йўл».
13.05-15.00 «Звезды юмора».
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм - аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Ровесник».
20.40 «Келин-куёв». Шоу дастур.
21.30 «Талкин». Информационно-тахлилий кўрсатув.
22.00 «Келин-куёв». Шоу дастур (Давоми)
22.30 Комедия. «Дорога на Бали».
24.00 Ўртоқлик учрашуви.
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.05, 11.00, 16.45, 19.00 Телехамкор
9.20 «Власть огня», фантастика
11.15 Фильм «Дети Дон-Кихота», комедия
12.45 Мусикий табассум
13.00 Телеэкспромт
13.20 Хит-парад - плюс
14.20 Шоу-бизнес янгиликлари
14.50 Болалар соати
15.20 Аёллар орзуси
15.50 До-Ми-Соль шоу
17.00 Док. фильм
18.00 Мультфильм
18.20 Мусикий лаҳзалар
18.30 Сугдиёна
19.20 Ошиқона
20.00 30-й кадр
20.30 Мусикий табассум
21.00 Якшанба оқшомида
21.45 Мусикий табассум
22.10 Фильм «Сильвия»

«Первый»

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой»
5.40 «Гении и злодеи»
6.10 Фильм «Четвертый»
7.30 Армейский магазин
7.55 «Андрей Вознесенский». Док. фильм
9.10 «Непутевые заметки»
9.25 Пока все дома
10.10 «Ритуальная чаша скифов»
11.15 «Великие династии: Трубецкие»
12.15 «Чужой среди своих». А. Кайдановский
13.05 «Звезды юмора»
15.00 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Крылья советов»
17.25 «Новые песни о главном»
20.00 «Время»
20.45 Триллер «Комната страха»
23.00 Профилактика
2.00 Фильм «Разборки в Бронксе»
3.30 «Идолы»
4.00 Пока все дома

«Россия»

4:45 Фильм «Доброе утро»
6:15 «Здоровье».
6:35 «Сельский час».
7:00, 10:00, 13:00, 19:00 ВЕСТИ.
7:20 Мультфильмы
8:00 Фильм «Родня»
10:20 «Аншлаг и Компания».
11:15 Сериал «Частный детектив».
12:10 «Евгений Леонов. «А слезы капали...»».
13:20 «Фитиль N 96»
14:05 Детектив «Двойной капкан»
16:45 «Королева тигров. Маргарита Назарова».
17:40 «Москонцерту - 75!».
20:00 Фильм «Любовница»
22:35 Боевик «Полицейский из Беверли-Хиллз»

НТВ

4:10 Фильм «ЗАТВОРНИК»
5:40 Мультфильмы
6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12:00, 15:00, 18:00 «СЕГОДНЯ»
7:15 Т/с «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»
7:40 «ИХ НРАВЫ»
8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:20 «ТОР ГЕАР»
9:55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»
11:00 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
12:25 «СТИХИЯ»
13:00 Т/с «СТОЛЫПИН... НЕВЫУЧЕННЫЕ УРОКИ»
15:25 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
16:00 «СВОЯ ИГРА»
16:55 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО-2»
18:40 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
19:15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:55 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
21:00 Фильм «ПРАКТИЧЕСКАЯ МАГИЯ»
23:10 Фильм «БЛЕСК»

1:45 Сериал «МЕДИУМ»
4:35 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Мультфильмы.
10.00 Фильм «ПОГОНЯ В ПОДЗЕМКЕ»
12.00 Фильм «ДЕЖА ВЮ»
14.00 «Осторожно, модерн!»
14.30 Курьер.
15.00 Х/ф «ЛЕДЯНОЙ УДАР»
17.00 Х/ф «ОСТРОВ ОГНЯ»
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
20.00 Фильм «ПОДЗЕМЕЛЬЕ ВЕДЬМ»
21.45 Фильм «ЛИФТ»
0.00 Фильм «БЕЗМОЛВНАЯ СХВАТКА»
2.00 Фильм «КРИП»
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-3»
4.45 Фильм «ВНЕ ПОДОЗРЕНИЯ»

ДТВ

8.00 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
8.55 Для милых дам.
9.25 Мультфильмы.
11.25 Фильм «ГАРАЖ».
13.30 Сериал «ВСПОМНИТЬ ВСЕ».
14.30 «Звездная семейка».
15.30 «Время - деньги».
15.55 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»
18.05 Смешное видео.
18.35 «Этот безумный мир».
19.00 «Шоу российских рекордов»
20.00 Фильм «СЕКРЕТНЫЙ ФАРВАТЕР»
23.10 «С.С.И МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ»
1.00 «Шоу российских рекордов»
2.00 «Когда праздник превращается в кошмар».
3.00 «Осторожно, афера!»
3.25 Сериал «ВСПОМНИТЬ ВСЕ»
4.05 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
4.55 «Звездная семейка»
5.40 «Время - деньги»
6.00 «В засаде»
6.20 Музыка

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.20 Мультфильмы.
7.30 «Американский кинематограф»
8.30 «Деревня дураков»
9.00 «Зверские сказки». «Кошки». Док. фильм.
9.35 «ПО СЕМЕЙНЫМ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ». Комедия
12.30 Такси.
13.00 «Дикие дети»
14.00 «Шанс»
15.00, 20.00, 22.30 «Дом-2»
16.00 «САША + МАША»
16.30 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ». Детектив
17.00 «Школа ремонта»
18.00 Такси.
18.30 «Москва: инструкция по применению»
19.00 «Капитал»
21.00 Комедия Клуб.
22.00 «БУНКЕР, ИЛИ УЧЕНЫЕ ПОД ЗЕМЛЕЙ»
23.00 «Секс»

23.30 «СЕМЕЙКА АДДАМС». Комедия
0.25 «ПО СЕМЕЙНЫМ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ». Комедия
2.50 «Голод»

СТС

7.00 «АЛИСА В ЗАЗЕРКАЛЬЕ». Фильм.
8.25, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
11.00 Кино «ДЕТИ НА ОСТРОВЕ СОКРОВИЩ. БИТВА».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Мифы и герои. Ясон и золотое руно».
17.00 Истории в деталях.
17.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
18.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-3». Фильм
22.00 Кино «ЗАКОНЫ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ»
23.50 Кино «В ПЛЕНУ У ПРИЗРАКОВ»
2.00 Кино «ПОРТНОЙ ИЗ ПАНАМЫ»
3.50 Кино «ПОРТРЕТ ВАМПИРА»
5.15 Фильм «Неандерталец»
6.05 Музыка

7 ТВ

6.00, 2.00 Ле-Ман: историческая гонка.
7.00, 8.00 Веселые старты.
9.00 Мультфильмы.
9.30 «ПОКА СТОЯТ ГОРЫ». Фильм.
11.00 Автоспорт России. Суперсерия
11.30, 15.00 NASCAR: Back in the day.
12.00, 14.40 5.00 Звезда автострады.
12.25 Формула BMW. Этап № 6
13.00, 22.30 Гонки RTCC.
13.10, 21.40 Картинг.
13.30, 19.30 Rally Action.
14.30, 18.30 AutoFashion.
15.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
16.00 Золотые страницы истории F-1.
17.05 Кубок Volkswagen Polo. Этап № 6
17.55 Кубок Porsche Carrera. Этап № 4
18.50 Евросерия F-3. Этап № 6
20.30 Гонки из серии ДТМ. Этап № 5
22.00 Gillette World Sport.
22.40 KOTV: классика бокса.
23.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
0.00 Гольф. Европейская неделя.
0.30 Total регби.
1.00, 4.10 Бешеные колеса.
1.10 Покер. Headsup Poker Circuit.
3.00 Музыкальный трек.
3.10 Покер. European Open Poker.
4.00 Ужасы спорта.
4.30 Магия оружия.
4.40 Экстремальный контакт.
5.10 Регби. Чемпионат России. Суперлига. «ВВА-Подмосковье» (Московская область) - «Слава» (Москва).

МУВАФФАҚИЯТЛАР САЛМОҚЛИ

Сўнгги пайтларда Россияда аксилтеррор тадбирлари чоғида салмоқли натижаларга эришилди. 10 июлга ўтар кечаси РФ Федерал хавфсизлик хизмати (ФХХ) ходимлари мамлакатдаги энг ашаддий террорчи Шомил Басаевни йўқ қилишган эди. Махсус тадбир чоғида унинг билан бирга бўлган яна 12 нафар жангари, шу жумладан, «Магас» лақабли террорчи — Али Тазиев ҳам ўлдирилди. ФХХ директори Н. Патрушевнинг сўзларига қараганда, жангарилар «Катта саккизлик»нинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган саммити олдидан йирик террорчилик ҳаракати содир этишни режалаштиришган эди.




Орадан бир неча кун ўтиб, Доғистондан Чеченистонга суқилиб киришга уринган яна 13 нафар жангари йўқ қилинди. Икки террорчи эса асир олинди. Жанговар операцияда иштирок этган милиционерлардан ҳеч бири шикастланмади. Тўқнашув юз берган жойдан кўп миқдорда ўқотар қуроллар ва гранатомётлар топилди.

Маҳаллий махсус хизмат ходимлари террорчиларнинг Чеченистонга қачон ўтиши ҳақида аввалдан хабар топишган эди. Шунинг учун уларнинг йўлига Россия ИИВ Ички қўшинлари батальони ҳарбийлари ва Чеченистон ИИВ қошидаги Аҳмад Қодиров номидаги махсус полк жангчиларидан иборат пистирма қўйилган эди.

БОЛАСИ ТУШМАГУР... ХАКЕРЛАР

АҚШ Давлат департаментининг компютер тизимига бундан бир неча ҳафта илгари хакерлар хуруж қилгани ўтган сешанба куни маълум бўлди. Натижада улар ўта махфий маълумотларни қўлга киритишди. Хакерларнинг ҳужуми биринчи навбатда Давлат департаментининг Вашингтондаги марказий идорасига, шунингдек Жануби — шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари Бюроси компютер тизимига қарши қаратилган эди. Шундан сўнг барча ходимларга шахсий нароларини ўзгартириш буюрилди. Тахминлардан бирига кўра, бу хитойлик хакерларнинг иши бўлиши ҳам мумкин.



ОЗОДАЛИК ОҚИБАТИ

Тозалик, озодаликка риоя қилиш яхши, албатта. Аммо бу одат баъзан ҳаётда панд бериб қўйиши ҳам мумкин экан. Нега дейсизми?

«Telegraph» газетасининг хабар қилишича, 1940 йилда британиялик бойлардан бири пенсияга чиқаётган фаррошига хитой гулдони совға қилади. Бу ҳада кейинроқ фаррошнинг неварасига мерос бўлиб қолади. У 2005 йилда газеталардан бирида ўзиникига ўхшаган гулдон 240 минг фунт стерлингга сотилганини ўқиб қолади. Шунда бувисидан мерос бўлиб қолган матоҳ қайсидир бурчакда чанг босиб ётганини эслайди.

Мутахассислар унинг гулдони кўздан кечириб, бундан 200 йил олдин Цинь сулоласи даврида тайёрланган ноёб чиннидан ясалганини аниқлашади. Нодир санъат асари кимошли савдосида 92 минг фунт стерлингга пулланди. У жуда катта суммада баҳоланиши ҳам мумкин эдию, фақат озодаликни ҳуш кўрган фаррош ҳаргал ишқалаб артавериб чинни гулдоннинг юзасидаги тилла қопламасини кеткизиб юборган экан.

ТАХМИНЛАР КЎП

11 июль куни Ҳиндистондаги Мумбай темир йўл бекатида содир этилган террорчилик ҳаракати туфайли 200 га яқин киши ҳалок бўлган, 700 дан ортиқ одам тан жароҳати олган эди. Ҳозирча қўпуровчиликни ҳеч ким ўз бўйига олмаяпти.

Ҳиндистон полицияси тергов манфаатларини кўзлаб, 350 шахсни ушлади. Аммо улардан ҳеч бири ҳибсга олингани, аниқ айбланаётгани йўқ. Улар фақат сўроқ қилинди, холос.

Тахминлар кўп. Қонли фожиага Жамма ва Кашмирдаги айирмачилар алоқадор бўлиши мумкин. Хунрезликни «Лашкари-Тойиба» диний-экстремистик ташкилоти аъзолари содир этганлиги эҳтимоли ҳам бор. Аммо улар бу айбни рад этишди.



АШАДДИЙ ҚОТИЛ



Тергов тахминига ишонадиган бўлсак, ниҳоят москваликларни 14 йилдан буён даҳшатта солиб келган маньяк тутилди. У 32 ёшли Александр Пичушкин бўлиб чиқди. Ҳозирча А. Пичушкиннинг 12 та қотиллик содир этганлигини исботловчи далиллар тўпланди. Унинг ўзи эса сўроқ чоғида 61 кишининг ҳаётига зомин бўлганлигини тан олди. Биринчи қотилликни 1992 йилда содир этган экан. 60 кишини Москва шаҳри худудидаги Битцевск дарактзориде ўлдирган.

ҲАВО ҲУЖУМЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Яқин Шарқда вазият ниҳоятда кескинлашиб кетди. Исроил ҳарбийлари икки фронтда — Ғазо сектори ва Ливанда жанг олиб бормоқда. 12 июлдан буён давом этаётган жанговар ҳаракатлар оқибатида исроиллик 8 нафар аскар ҳалок бўлди. «Ҳизболлоҳ» ташкилоти жангарилари Исроил худудига бостириб кириб, уч ҳарбийни ўлдириб, икки жангчини асир олиб кетгач Ливанда жанглар бошланиб кетган эди.

Пайшанбага ўтар кечаси Исроил авиацияси Ливаннинг турли объектларига зарба берди: кўприклар, йўллар, «Ҳизболлоҳ» ташкилотининг ва фа-

ластинлик террорчи гуруҳларнинг базалари, ўқув марказлари, қурол-яроғ омборлари, коммуникация тармоқлари бомбардимон қилинди.

Тонготарда Ливан томонидан Исроилнинг шимолий аҳоли пунктлари тўпга тугилди. «Ҳизболлоҳ» жангарилари 60 та ракета учуришди. Оқибатда бир аёл ҳаётдан кўз юмди. Ярадорлар ҳам бор. Армия раҳбарияти шимол аҳолисини бомбадан пана бўлиш жойларини тарқ этмасликка чақирмоқда.

Исроил Ҳарбий ҳаво кучлари, шунингдек, Байрут аэропортининг учини-қўниш йўлакларига ракета зарбалари беришди. Бундан мақсад ҳар қандай парвозларга чек қўйиш. Ҳозирда аэропорт ёпиқ. Байрутга учиб келаётган самолётлар қўниш учун Кипрга жўнатилаёпти. «Ал-Жазира» телеканалининг хабар қилишича, аэропорт бомбардимон қилиниши натижасида 19 нафар оддий фуқаро ва бир ҳарбий ҳалок бўлган.

«Ҳизболлоҳ» ташкилотига қарашли «Ал-Монар» телеканалининг Байрутдаги биносига ҳам ҳаво зарбалари берилди. Ливан Ички ишлар вазири Аҳмад Фатфат Байрут аэропортининг бомбардимон қилинишини ўз юртига нисбатан уруш ҳаракати дея ба-

ҳолади. У, шунингдек, Исроилнинг Ливанга ҳужуми нафақат шиаларга қарши қаратилганлигини, балки мамлакат иқтисодига, хусусан, давлат даромадининг салмоқли қисмини ташкил этувчи сайёҳлик бизнесига катта зиён етказишини таъкидлади.

Жума куни эрталаб Исроил авиацияси яна Ливан худудига зарбалар берди. Байрутдан 25 км жанубда жойлашган электростанция, шунингдек, Сурия билан чегарада жойлашган Хермель шаҳри чеккалари бомбардимон қилинди. Бундан ташқари халқаро аэропортга олиб борадиган кўприкка ҳам бомба ташланди.



— Маълумки, «меҳр» тушунчаси ниҳоятда кенг. Бу фақат одамлар орасидаги меҳр-муруват, меҳр-оқибат каби фазилатлар билан чекланмайди. Бугун шу ҳақда суҳбатлашсак.

— Яхши таклиф. Мен сизнинг фикрингизни давом эттирай. Энг аввал меҳр-муҳаббат Яратганга нисбатан бўлади. Сўнг ота-онага, кейин Ватанга, кейин дўстга, қариндошларга. Яна киши ўз касбига ҳам меҳр қўйиши шарт бўлади. Агар заргарнинг ўз ишига меҳри бўлмаса, у ноёб буюмлар ясай олмайди. Дурадгор бемехрлик билан иш бошласа, у ер-бу ерини кесиб олади, энг камида қўлига зирапча қиради. Меҳр билан ишга киришган одамга Аллоҳ барака беради. Бу соҳаларнинг ҳаммаси алоҳида бир мавзу.

— Суҳбатимиз муборак байрам — Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида бўлгани учун суҳбатимиз ҳозир тилга олганингиз Ватанга меҳр мавзусида бўлса дегандим...

— Маъқул. Мен ҳам мавзунини шу томонга бурмоқчи бўлиб турувдим. Яқинда бир дўстимизни кига бордик. Ҳовлисига ертўладан қазилган тупроқни уюб қўйган экан. Ҳамроҳимиз, Швейцарияда яшайдиган ватандошимиз доктор Усмон Жондонга қараб ҳазиллашдим:

— Усмон ака, бунинг тозалигини қаранг, бунақа сотупроқ Швейцарияда ҳам йўқ.

Шунда доктор Усмон тупроқ уюмига бир оз қараб турдиларда, кейин жавоб бердилар:

— Сиз ҳазил оҳангида гапирдингиз, мен жиддий жавоб беражаман. Сиз дедингизки: «Бунақаси Швейцарияда йўқ». Мен дейманки: «Бу тупроқ дунёнинг ҳеч ерида йўқ. Чунки бу — Ватан тупроғи. Биз мустақиллик кунига етишмай туриб Ватанга келиш бахтидан бебаҳра эдик ва унинг бир кафт тупроғига зор эдик. Ким илож қилиб Ватанга бориш бахтига эришса, биз ундан қимматбаҳо совға-салом олиб қайтишини сўрамасдик, бир ҳовуч тупроқ олиб келишини илтимос қилардик. Сўнг бу тупроқни кўзларимизга суртардик, ўпардик, тўйиб-тўйиб ҳидлардик...

Усмон аканинг бу сўзлари барчамизни бир ажиб туйғуга чулғади.

— Бу воқеа «Ватанни севмоқ — иймондан» ҳадиси шарифини ёдга солади.

— Айни тўғри таъкид. Ватанга меҳр иймондан, иймонсиз одам ватанини сева олмайди. Ўрни келганда сиз тилга олган ҳадиси шарифга эътиборни қаратсак: улаомларимизнинг айрим шарҳларида дейиладики, Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг яралмиш жойлари — жаннат. Демак, одамзотнинг асл Ватани — жаннат ва оқибатда унга қайтилгусидир. Яъни, дейилмоқчики, унга фақат иймон эгалари қайтулар. Демак, жаннатни севмоқликнинг маъноси бу дунёда тўғри, ҳалол яшаб, унга қайтмоқликнинг тадоригини кўришдир.

Яъники, мукамал иймонга етишмоқликдир. Иймон деганда фақат намоз ўқишни тушунмаслик керак. Иймон талаблари оз эмас. Шулардан бири Ватанга меҳр-муҳаббат қўйиш. Ҳаж ибодатига бориш шартларида бўлажак ҳожининг саломатлиги яхши бўлиши, моддий таъминлангани... кабилар қаторида Ватанининг озод бўлмоғи зарур эканлигининг зикр этилиши бежиз эмас. Яъни мусулмон аввал Ватани озодлиги учун хизмат қилиши керак.

Меҳр тушунчасининг кенглигини гапирдик. Халққа, ота-онага, Ватанга... Буларнинг барчалари ажралмас ҳалқалардир. Бир халққа узилиб йўқ бўлса, қолганлари ҳам йўқ бўлади. Бир дарахтни тасаввур этайлик: ўқ илдиз, тана ва шохлар. Ўқ илдизни ёки шохларни кесиб ташланг-чи, дарахт яшармикан? Ўз ота-онаси ёки дўстига меҳри йўқ одам «Ватанни севаман!» деб ҳайқирса ҳам ишонмаслик керак. Ўз ота-онасига меҳрсиз одам бегоналарни ҳурмат қилмайди. Хал-

бат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил». Баъзи биродарларга ҳайрон қоламан: кундузи бирон минбарга чиқиб олгудай бўлса, баландпарвоз гапларни

бат мавҳум тушунча эмас, балки реал руҳий қудратдир. Яъни, ватанпарварлик — Ватанга меҳр қўйишдангина иборат эмас, балки Ватан билан ўзни бир бутунликда кўришдир. Унинг яхши-ёмон кунларида асқотишдир.

— Яхши айтдингиз. Биз Ватандан ни-



ВАТАН ТУЗИН ОҚЛАМАК ЛОЗИМ

РЕСПУБЛИКА ИИВ АКАДЕМИЯСИ ЎҚИТУВЧИСИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ТОҲИР МАЛИК БИЛАН СУҲБАТ

қалаштириб ташлайди, оқшомда эса чойхонага чиқса, ношукурчилик дарвозаларини ланг очиб, майда гапларни кавлаштириб ўтиришдан уялмайди. Донулар таъкидлаган номусли ва назокатли туйғудан бебаҳра бундай кишиларнинг минбардаги гаплари шунинг учун тингловчилар қалбига етиб бормайди, шунинг учун ҳам ҳиссиз ва тузсиз бўлади.

Ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш — гоят чидам, гоят юксак онг талаб этувчи ўзига хос илм. Буни эгаллаш ҳам бешикдан бошланмоғи ва оқибат сўнгги нафасга қадар давом этмоғи жоиз. Ватанпарварлик — Ватанни севмоқликни англатса, бу илмни эгаллаган киши Ватанга жонини атаган комил инсон мартабасига етган бўлади. Файласуф Гегел айтганидай «Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга тайёр эканликларида акс этади». Мана шу нуқтадаги фарққа диққатни жалб этайлик: Ватанни севаман, деб юривчилар кўп. Аммо ҳамма ҳам Ватанга жонини фидо қилишга тайёр турмайди. Баъзан божхона хабарларини эшитиб ажабланаман: мамлакат учун, халқ учун зарур бўлган бойликларни четга чиқариб сотишга «уринаётганларда жонни фидо қилиш деган юксак туйғунини қўя турарлик, оддийгина «Ватанга меҳр» деган тушунча бормикин? Виктор Гюгонинг «Ватанга доғ тушириш — уни сотиш демак», деган гапи нақадар тўғри! Шоир тили билан айтганда: «Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр, у қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ».

— Суҳбатингиздан аглашиляптики, Ватанга меҳр ва муҳаб-

манидир талаб қиламиз, оламитамиз. Аммо бунинг юз ҳисса, балки ундан-да кўп қилиб қайтармоқликни ўйламас эканмиз, бу бизнинг ақлимиз заифлигига, диёнатимиз ожизлигига далолат бўлади. Ватандан олганимиз — қарзидир, қарзни қайтармоқлик эса фарздир.

Биз — ҳар биримиз Ватанни севамитамиз, чунки Ватан — биз нафас олаётган ҳаводир. Дунёда «Ватанни севмак» деган тушунчадан ташқари «Ватан билан гурурланмак, фахрланмак» деган тушунча ҳам мавжуд. Зеро, бу икки тушунча бир-бирисиз яшай олмайди. «Киши ўзининг етти пушти (яъни ўтган етти аждодини) билиши шарт», дейишади. Ҳақиқатдан шундай. Киши ўз Ватанининг тарихи, улуғлари билан яхши таниш бўлиши, кимларнинг вориси эканини билиши шарт. Советлар тузуми даврида тил учиди миллий тенглик, амалда эса камситишлар бўлганини унутмагандирми? Бизларни саводсиз ўтмишнинг авлодлари, деб қарашларини-чи? Советлар тузуми даврида ҳарбий хизматда бўлганлар бу каби камситишлардан нечоғли руҳий азобда бўлганларини ёддан чиқармаган бўлсалар керак. Ойбек домланинг «Навой» романи билан Одил Ёқубовнинг «Улғбек хазинаси» асарига қадар бўлган узоқ йиллар мобайнида тарихга муурожаат этиш миллий маҳдудлик, ўтмишнинг идеаллаштириш тамғаси остида қораланиб, бу мавзуда ижод қилишга йўл беришмасди. Кейинчалик ҳам бу сиёсат давом эттирилгани, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романини нашр этишга кўп вақт ижозат берилмагани ҳам тарихий ҳақиқатдир. Бундан муддао нима эди? Жавоб оддий — уларнинг

миллий сиёсатига кўра халқ ўзининг кимлигини билмай яшамоғи даркор эди. Улуғ шоирларимиздан Ғафур Ғуломнинг 1949 йилда «бизларни «қабил» деб атаган» инглиз лордига жавоб тарзида ёзган ажиб шеъри бор:

*Қадим ўзбек халқисан,
асл Одам авлоди,
Миср эҳромларидан
тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар ғиштида —
боболарнинг ижоди,
Англо-саксонлардан
анча юқорироқдир.
Бизда лоғарифманинг
мушкул муаммолари,
Кўлдаги бармоқлардай
оддий қилинганда ҳал,
«Олий ирқ» даъвогарини,
Черчилнинг боболари
Ҳатто санай олмасди
ўн бармоқни мукамал...*

Ўзбекистоннинг фазилатларини бўрттириш шарт эмас. Бу заминда яшаётган халқ рўйи заминнинг тарихини бойитишга, маънавий оламининг ривожига беқиёс даражада улуғ ҳиссасини қўшиб келган ва бундан сўнг ҳам шундай бўлажак. Оталарнинг бугунги кундаги вазифаларидан бири — улуғларни таниб, улар билан фахрланиш ҳиссини фарзандлар

қонига сингдирмоқликдир. Шу ўринда яна бир вазифани ҳал қилишимиз керак бўлади: ўтмиш билан фақат фахрланибгина қолмай, Ватан равнақи учун улуғ-

лар анъанасини давом эттиришга масъул эканимизни унутмай, шунга яраша ҳаракат қилишимиз шарт.

Ўзбекистон, яъни Ватан ҳар биримизсиз кунини кўравериши мумкин. Беш-олти ёки неча юз, ҳатто минг кишисиз ҳам яшайди, келажаги пойдеворини қураверади. Аммо биз — биронтамиз Ўзбекистонсиз яшай олмаймиз. Ким Ватансиз яшаш мумкинлигига ишонса — у диёнатсиздир. У хору зордир. Ўз юртидан юз ўгирганлар, энг аввало, ўз виждонларидан юз ўгирган бўладилар. Ўз юртини севаман, сева олманган одам ҳатто ўзини ҳам сева олмайди, оқибатда эса ўзидан ўзи нафратланади.

Тилимизда оҳангдош, аммо маъно жиҳатдан зид сўзлар кўп. Шулардан бири — «Диёнат», яна бири эса — «хиёнат». Қаранг, фарқи биттагина ҳарфда. Масофа жиҳатидан ҳам яқинлиги бор. Диёнатсиз одам бир қадамгина қўйса хиёнат оламига кириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳазрат Навоий айтмоқчи:

*Барча хиёнатни диёнат этиб,
Барча диёнатни хиёнат этиб...*

Шунисидан Худо асрасин! Ғафур Ғуломнинг «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади», деган машҳур сатрлари бор. Бу шеър болаларга атаб ёзилган бўлса-да, Ватаннинг кутиши ҳақидаги эслатма барчага — катта-ю кичикка тегишли. Она фарзандларининг ёшига қарамай, уларнинг ташрифини интиқ кутганидай, Ватан ҳар биримиздан доимий равишда фидоий хизматимизни кутади. Ватан тузини оқламаклик инсоний бурчимиз эканини бир нафас ҳам унутмасак бас. Дилимиздаги диёнат бизларни шунга даъват этади.

Суҳбатдош: Мурод ТИЛЛАЕВ.

— Muhtaram inspektor! Mana bu haydovchi meni mushugimning dumini bosib ketdi.

— Nima bo'ldi o'zi?


— Yomg'ir tinmay yog'ayotganligi uchun panada turgandim. Shu payt mushukcham sumkadan otilib chiqib, ko'cha tomon yugurib ketdi. Ro'paradan mana bu haydovchi chiqib, mashinasini to'g'ri mushugimni ustiga haydasa bo'ladimi! Jonivorning dumini bosib, yana to'xtamay ketaverdi. Orqasidan yugurib, mana shu yerda unga yetib oldim. Yana menga nima deydi deng: «Sichqonxo'ringizni boshimga uramanmi, men bosganim yo'q uningizni, boring, ishingizni qiling...» Bu kishim berahmligi yetmaganday ayollar bilan gaplashishni ham bilmaydi. Unga chora ko'rishingizni so'rayman. Kerakli joyda o'zini qanday tutishni bir o'rgatib qo'yishsin...

— Bo'ldi-bo'ldi, o'zingizni bosing. Siz, yaxshisi, tezroq mushugingizni veterinarga olib boring. Ishonamanki, u tez kunda sog'ayib ketadi. Bu odam esa haqiqatdan ham aybdor emas. Bu yomon ishni boshqa haydovchi qilgan.

Savol: inspektor nima uchun haydovchini aybdor hisoblamadi?


Mohinur NO'MONOVA tayyorladi.

AYBDOR BOSHQA HAYDOVCHI



Javob: chunki bu haydovchi yomg'ir yog'masidan avval ham shu yerda bo'lgan. Shuning uchun mashinasining osti tup-dup...

CHINOR:



— Bo'yim yetdi quyoshga,
Soyam bor qari-yoshga.
Zamindan qudrat olib,
Kirdim, mana, ming yoshga.

MAJNUNTOL:



— Men majnuntol, majnuntol,
Bog'bonimdan mamnun tol.
Tinim bilmas qarshimda,
Shuning-chun men ta'zimda.

Saminjon HUSANZODA.




Alivoy dala hovliga otlandi. U juda ko'p narsalarni olib ketmoqchi bo'ldi. Ammo o'ylab-o'ylab bitta narsani ozi bilan olishga qaror qildi.


1. Enidagi qatorda bu narsa bilan birga koptok yo'q.
2. Bo'yidagi qatorda u narsa bilan birga qarmoq va badminton yoq.
3. Diagonal qatorda esa u bilan birga ikkita chelak va matrap (kapalak tutgich) bor.
4. U savatcha emas.

Alivoy o'zi bilan birga nimani olganligini yuqoridagi shartlar asosida rasmga qarab toping.

Javob: sumka.



Buzoqcha tasvirlangan gugurt cho'plaridan ikkitasini shunday o'zgartiringki, natijada buzoqcha teskari tomonga qarasin.



QUVNOQ TEST

Aziz bolajonlar! Ushbu test savollarimizning javoblari orasida hazil tariqasida berilgani ham bor. Shuning uchun «Quvnoq test» deb nomladik. Siz esa albatta to'g'ri javobni topishingiz kerak.

1. O'zga sayyoraliklar nimada uchib kelishadi?
a) kosada
b) tog'orada
s) tarelkada
d) qoshiqda
2. Geografiya xaritasi nima deb ataladi?
a) xonatlas
b) atlas
s) satin
d) krepdeshin
3. Samolyot qo'ngandan keyin qanday zina keltiriladi?
a) eskalator
b) narvon
- s) lift
d) trap
4. «Napoleon» - qanaqa tort?
a) shakarli
b) biskvitli
s) mevali
d) qatlamali
5. Qaysi qush tinchlik ramzi hisoblanadi?
a) burgut
b) kabutar
s) qaldirg'och
d) qarg'a

To'g'ri javoblar: 1. d) 2. b) 3. a) 4. a) 5. b)

RASMLARDAGI TO'QQIZTA FARQNI TOPING



Махмур тахаллуси билан қалам тебратган Махмур Мулла Шермухаммад ўғли XIX аср биринчи ярми ўзбек муштор адабиётининг энг йирик намояндаларидан биридир. У XVIII асрнинг охири чорасида Қўқон шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Отаси Мулла Шермухаммад – Акмал тахаллуси билан шеърлар ёзиб, XIX аср бошлари Қўқон адабий ҳаётида кўзга кўринарли ўрин тутган, ўзбек ва форс тилларида шеърларидан икки девон тартиб этган. Акмал Амир Умархон саройида тўпланган кўп сонли ижодкорлар жумласидан бўлиб, шеърят мухлислари ўртасида ном чиқарган ва шу боис Фазлий Намангоний тузган «Мажмурат уш-шуаро» тазкирасида бир неча бор ҳурмат билан тилга олинган, асарларидан намуналар келтирилган.

МАХМУР

Махмур ёш чоғидан бошлаб отаси ташаббуси билан уюштирилган мушоираларда, адабий суҳбатларда иштирок этар эди. Унинг Қўқондаги Мадрасаи Мирда чуқур таҳсил олганлиги, жумладан, форс тилини мукамал эгаллаганлиги маълум, уни тугатгандан кейин маълум муддат сарбозлик-сипоҳийлик қилган. Бу ҳақда Махмур ўз шеърларининг бирида анъанавий фахрия услубида «ҳам илму фанда, ҳам сипоҳликда моҳирам, жанг кунда ботир қахрамонам», деб ғурурла-

нади. Худди шу ўринда ўзининг «шеър илмидаги» маҳорати ҳақида сўз юритади. Бир намунада оиласи ва уч фарзанди борлиги тўғрисида сўз юритса, бир қатор шеърларида шахсий ҳаётидаги етишмовчиликдан шикоят қилади, моддий қийинчиликдан нола қилади, турмуш ташвишлари юзасидан фиғон чекади.

Асримизнинг эллингичи йилларига қадар Махмурнинг ижодий фаолияти ва у қолдирган

адабий мерос хусусида жуда чекланган маълумотларга эга эдик. Адабиётшунослик илмига унинг Фазлий тазкирасидан ўрин олган беш ғазали ҳамда Муқимийнинг ҳажвий тахмисига асос бўлган Ҳапалак қишлоғи ҳақидаги ғазалига маълум эди. 1950 йилда муштор адабиётимизнинг етук билимдонлари Пўлатжон Қаюмов ва Аскаралӣ Чархийлар саъй-ҳаракатлари туфайли Қўқонда Махмурнинг қарийб уч ярим минг мисрани ўз ичига олган ўзбек ва форсий тиллардаги шеърӣ тўплами топилди ҳамда кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди.

Махмурнинг ҳозирча илмга маълум асарларининг ҳаммаси ўз мазмун ва руҳига кўра ҳажвий ҳамда танқидий йўналишдадир.

Шоир XIX аср биринчи ярмидаги феодал тузумининг кўпдан-кўп иллатларини, ўша замонадаги ҳукмрон адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик, зўравонлик ва ҳуқуқсизликни аёвсиз фош эта-

ди. «Ҳожатлар чиқарувчи қози даргоҳига муножот» деб номланган мухаммасидаги қуйидаги мисралари мавжуд адолатсиз тузумга кучли қаҳр-ғазабни ифодалайди ва ўша тузумга айбномадек жаранглайди.

Қайси бир зулмунг этай бедод, гардуни дун Ким, сенинг бедоду жавринг ҳадди ғоятдин бурун!..

Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зору забун, Зоғни аъло қилиб, тўтини нодон айладиң!

Махмур ҳажвиёти ва танқидий шеърларининг деярли барчаси оддий бечора шахс тилидан, нуқтаи назаридан мавжуд ижтимоий ҳаёт иллатлари, огир иқтисодий кундалик турмуш ташвишлари тўғрисидаги аччиқ ҳақиқат баёни тарзида яратилган. Худди шу боис халқчил руҳ эгаллаган. Меҳнаткаш омманинг, хусусан, деҳқон аҳли-

нинг оч-яланғоч ҳаёти, ўлкани куршаган вайронагарчилик ва харобазорга айланган қишлоқларнинг ачинарли манзараси Махмур ҳажвиётига замин бўлган.

Махмур ҳажвиёларининг кўпчилиги ўша замоннинг кўзга кўринган амалдорларнинг кирдикорларини, алдамчи-хасисликларини, инсон сифатида тубан фелъ-атворларини фош этишга бағишланган. Шоир уларни шахсан жуда яхши таниган, ифлос қилмишларидан тўла хабардор бўлган. Шу боис ўз ҳажв ўққларини улардаги етакчи нуқсонларга беҳато урган. «Хожа Мир Асад ҳажви»да ўта муттаҳам шахснинг муғамбирликлари қулгили воқеа баёнида фош этилса, «Ҳажви Атойи порохўр айни савоби акбараст», яъни «Атойи порохўрга ҳажв ёзиш улуг бир савобдир» – мисраси билан бошланувчи асаридан порохўрлик фош этилган.

Махмур ижодий фаолияти ўзбек адабиётида танқидий йўналишнинг, айниқса, ҳажвиётнинг тараққиётида навбатдаги юқори босқич бўлди. Шоирнинг адабий мероси кейинги даврлар ҳажвиётига, хусусан, Муқимий ва Нодимларнинг ижодида самарали таъсир қилди.

...дин кўзлар қаро (шеър)	Абдулхамид Сулаймон ўғли Робертс (актриса)				Аканинг хотини	Умар ... (шоир)
		Элчи	Аммо, бирок			Ишига мохир	Ғийбат		
Бахт куши	Халқаро хужжат								Чипқон
		Кўзимга ... кўринмасиз	Пойтахти Жоржтаун			Тўлов, жарима	Тайёр, хозир		... де Жанейро
Кичик ҳаж	Бокс майдони					Эрон футбол клуби	Мархум малика Пойтахти Сува		
	Очқининг акси	Капур (актёр)	Дуайт (футболчи)					Уят, ҳаё	Хўл, зах
			Билан			Халқаро футбол федерацияси			
	Қирғиз халқ эпоси	Тинч		хўл мева	Шахмат донаси Саратон			Ишонч	Демӣ (актриса)
			Дарбнинг қадим номи			Эрон хонандаси	Иззат...		
Тошиқ ... эшитар	Туман (Сурхондарё)	... Марино (шаҳар)		Тўтиқуш тури			Пайгамбар	Костнер (актёр)	Толе, бахт
			Ахмад (адиб)					Думбадзё (адиб)	
Шаҳар (Франция)	Айрилик	Хўжалик буюми		Салим (шоир)		Бойлик, молдунё		... ни ке сади	Кумуш бш
	Хайвон обғи		Туман (Фарғона)	Садаф Тикув ашёси					... кампир
		... сано	Темур мушт соҳибӣ	Кадимий 8-уш тури	Жуда			Косиб иш қуроли	
	Ини			... эгасини топади	Сана	Жума			Ука
		Кадимги Аму	Тахмин	... Икромова (суҳандон)		Сўлнинг акси	Сийракнинг акси		
Савлат салобат	Сувайли	Асрор		Эпизод, лапшаң				Муслиқ нота	
			Бог, гулшан	Исроил пули	Жеки (актёр)	Плато (Қорақалпоғистон)	Сирдарё		... Королёва (хонанда)
«Уй ... си» (курсапув)	Юлдуз Усмоновнинг кўшиги	Ушла			Юлий (бошловчи)				
	Макбара	Ост, куйи қисм			Денгиз, океан	Лиза (Жаконда)	Спиртли ичимлик		
			Яна, такрор						
	Палма тури	Унгур			Сабр, чидам	Тўтиқуш тури		Миллий таом	
			... оналар мажлиси						
	... майдони	Сева ра ... (хонанда)			... Хепберн (актриса)	Бир ... дан бош чикарайлик			



... Робертс (актриса)



... Хепберн (актриса)

Тушлар Таъбири

(Боши ўтган сонларда)

ОЛТИН

Кимки, Қуйма олтин (ёмби) кўрса – катта меросга ёки бой хотинга эга бўлади. Тилла тақинчоқлар топиб олса – зарур ишларда катта ютуқ бўлади; сотиб олса – муҳаббат бобида муваффақиятга эришади; кимгадир берса ёки йўқотса – зарар кўради. Олтин буюмли совға олса – қилаётган ишларини пухта таҳлил этиши лозим.

ОЛТИН БАЛИҚ

Олтин балиқ кўриш ёки тутиш – омад даври келганининг, мулоқотлар, учрашувлар самарали бўлишининг, катта ишлар кутиб турганининг ва барча ниётларга етишликнинг белгисидир. Қиз бола кўрса – бахт-иқбол топади, мақсадига етади. Ўлган олтин балиқ – омадсизлик келмоқда. Ибодат қилиш керак.

ОРДЕН

Оғир меҳнатга ёки қилаётган ишидан қутилмаган даромад келишига ишора. Мансабдорларга – мақтов эшитиш, амал пиллапоясида кўтарилиш, давлат томонидан тақдирланиш ифодаси. Аёлларга – ғурурланиш имконияти пайдо бўлиши белгиси.

ОҚШОМ

Оқшом тушганини кўриш – орзу-умидлари рўёбга чиқмаслигидан, афсусланишлар кутиб турганидан хабар. Оқшом пайтида осмонда булутлар орасидан юлдуз кўринса – соғлиқ ёмонлашаётганидан, касалманд бўлиб қолиш эҳтимоллигидан дарак. Буларнинг олдини олиш зарур. Оқшом пайтида осмонда юлдузлар чарақлаётган бўлса – кетма-кет келадиган омадга ишора.

(Давоми бор).

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Ширмон, Эшак, Егулик, Одамови, Баҳром, Экин, Оласи, Мири, Аниқ, Анабас, Жалилов, Амал, Қажнус, Романс, Инсон, Ҳафта, Воҳ, Султон, Азза, Шкода, Одат, Ерти, Ароқ, Араб, Парпиев, Зағизгон, Олий, Косов, Дажонам, Солиҳ, Камомад, Ясон, Ла Оний, Саман, Азимут, Гарри, Той, Чимчилоқ, Евгон, Рикша, Банд, Чоқ, Сабо, От, Овоза, Ботир, Ниш, Туйқус, Шўр, Омма, Дам, Кунт, До, Узан, Ҳаво, Бош, Арфа, Арасту, Усал, Араз, Тўқ.

БУЙИГА: Иван, Мари, Немо, Туман, Чизиқ, Шақ, Кон, Пан, Фолиб, Ирис, Ужар, Елим, Алан, Лава, Сира, Халқ, Маёқ, Раду, Оғуш, Аста, Сино, Мустар, Лина, Адаш, Наво, Саҳар, Одоб, Олек, Кўр, Ярис, Киев, Даво, Този, Қайд, Пинж, Ҳаё, Фон, Фатво, Ном, Озор, Омил, Ҳадича, Ана, Омонат, Минора, Абай, Эгар, Юрак, Аросат, Езув, Самбо, Нота, Илож, Шоир, Имкон, Зич, Буғу, Бой, Ноу, Ед, Фавго, Нозим, Тана, Гўё, Қайс, Ал, Сабр, Фа, Ҳар, Қиш, Шўра, Ваз, Қор, Ан, Нос, Кут, Бут, Садо, Ошиқ.

Муроджон КАМОЛИДИНОВ тузди.



Баъзан ҳаётда ҳар бир нарсага товон тўлаш керакка ўхшайди, деб ўйлаб қоламан. Масалан, одамзотнинг ақл-заковати юксак даражада тараққий қилиши туфайли сезилари анча пасайиб, ўтмаслашиб кетмадимикан? Биз хоҳ ҳид билиш, хоҳ кўриш, хоҳ эшитиш бобида бўлсин, тирик мавжудотлар ичида етакчилигимиз билан мақтана олмаймиз. Тўғри, ақл-заковатимиз туфайли ҳаётда кўп нарсага эришдик. Айни пайтда сезиларимиз пасайиши оқибатида анча-мунча нарсадан маҳрум ҳам бўлмадикмикан?..

ТИРИК ЖАББАРЧИЛАР

ФАҚАТ ОДАМЛАР ЖАБР КЎРИШДИ

Эсингизда бўлса, 2004 йилнинг 26 декабрида жануби-шарқий Осиёда кучли ер силкиниши оқибатида даҳшатли цунами юз берган эди. Табиий офат Шри-Ланка ҳамда Ҳиндистон ҳукмронлиги остидаги Андаман ва Никобар ороллари ҳам жиддий зиён етказди. Бу ҳудудларда филлар, қоплонлар ва яна кўплаб жониворлар яшайди. Цунами туфайли минглаб одамлар ҳалок бўлди. Аммо бирорта ҳам ҳайвон жасади топилмади.

Кутқарувчилар бошқа минтақаларда, масалан, Ҳиндистонда ва Индонезиянинг Суматра оролида ҳам ана шундай ҳолатга дуч келишди. Бу ерда уй ҳайвонлари кўпинча эркинликда яшайди. Табиий офат юзлаб одамларнинг ёстиғини қуритди, қирғоқ бўйидаги уй-жойларни бутунлай вайрон қилди. Аммо кутқарувчилар бирорта ҳам уй ҳайвонлари жасадига дуч келишмади. Сабаби, жониворлар ўз вақтида чангалзорга қочиб улгурган эди. Калифорниялик геолог Жим Беркланднинг фикрича, бу тасодиф эмас. У ҳайвонларнинг зилзила арафасидаги ғалати, ғайриоддий хатти-ҳаракати борасида йигирма йилдан буён маълумот тўплаб, ана шундай хулосага келди. Олимнинг кузатишларига қараганда, ҳар гал АҚШда зилзила юз беришидан олдин газеталарда итлар ва мушуклар йўқолиб қолганлиги тўғрисида эълонлар кўпайиб кетар экан. Ҳойнаҳой, уй жониворлари зилзила юз беришини олдиндан сезиб, вақтни ганимат билиб жуфтакни ро-стлаб қолишади.

КУМАР ОТАНИНГ ИТЛАРИ

Ҳиндистондаги черковлардан бирининг руҳонийси Самкат Кумар шундай дейди:

— 2004 йил 26 декабрда эрта-лаб соат еттиларга яқин итларим

бесабадан-бесабаб безовтала-ниб ҳура бошлашди. Уларни тинчлантиришга қанчалик уринмай, фойдаси бўлмади. Соат саккиз яримларда қирғоққа биринчи, кейинроқ эса иккинчи цунами ёғилди. Оқибатда катта вайронагарчиликлар юз берди. Менимча, итларим бу фалокатларни олдиндан сезган.

Шу қишлоқ ва унинг атрофида кейинроқ 600 га яқин кишининг мурдаси топилди. Черков вайрон бўлмади, лекин томига зиён етди.

Фалокатдан кейин тўртинчи кун ҳокимият вакиллари янги цунами хавфи борлиги ҳақида хабар тарқатишди. Аммо бу гал Кумар отанинг итлари ўзларини хотиржам тутишди. Улар янглиш-

маган эди. Ҳақиқатан ҳам қайтиб табиий офат юз бермади.

ҚАЁҚҚА ҚОЧИШ КЕРАК?

Тарихда бундай мисоллар кўплаб учрайди. Масалан, 1975 йил 4 февралда уй ҳайвонлари ўзини ғалати тутганлиги учун Хитойнинг шимоли-шарқида жойлашган Хайчэн тумани аҳолиси бошқа жойга кўчирилди. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай 7,3 баллик зилзила юз берди.

Олимларнинг тахминича, ҳайвонлар одамларга қараганда сезгирроқ бўлишади. Шунинг учун ҳам бўлажак зилзила билан боғлиқ товушларни ёки

ҳаво тўлқинларини тез илғашади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам хавфсиз томонга қочишади. Балки, жониворлар атмосфера босими ўзгаришларини ҳам тез сезишар. Уларнинг баъзи турлари ўзига хос ер силкинишини сезиш қобилиятига эга бўлишади. Масалан, судралиб юрувчиларда, жумладан, илонларда тупроқнинг билинар-билинамас ҳаракатини ҳам пайқайдиган махсус аъзолар бўлади.

ҚИММАТЛИК ҚИЛАДИ

Демак, ҳайвонлар табиат ҳодисаларини олдиндан сезишади. Ер силкиниш хавфи куч-

ли бўлган ҳудудларда жойлашган мамлакатлар гарчи унчалик камбағал бўлишмаса-да, сунъий огоҳлантириш тизимлари улар учун хийла қимматлик қилади. Шунга қарамай ҳозир дунёнинг турли минтақаларида кўплаб сейсмик станциялар ишлаб турибди. Улар ер юзасининг ҳаракатини узлуксиз кузатиб ва ўрганиб боради. Кузатиш натижалари Интернетга киритилади. Масалан, 2004 йил 26 декабрда қайд этилган ер силкиниши ҳақида маълумот Потсдамдаги Геологик тадқиқотлар маркази сайтида орадан етти дақиқа ўтиб пайдо бўлган эди. Хўш, сунъий огоҳлантириш тизими қимматлик қилса, бу-

нинг устига фалокатдан анча олдин огоҳ қилиш имкониятига эга бўлмаса, нима қилиш керак? Балки табиий огоҳлантирувчилар, жонли хабарчилар имкониятларидан фойдаланиш самаралироқдир. Бунинг устига текинга ҳам тушади.

ТЕКИН ОГОҲЛАНТИРИШ ТИЗИМИ

Сайёрамизда ана шундай текин огоҳлантириш тизимидан унумли фойдаланувчи халқлар бор. Андаман ва Никобар ороллари ер юзининг энг кам ўрганилган ҳудудларидан саналади.

Бу оролларнинг туб жой аҳолиси баъзи қабилалар ҳозиргача цивилизация билан мулоқотга киришишдан ўзларини олиб қочадилар. Улар кўчманчи ҳаёт кечиришади, овчилик қилишади, табиат эҳсонларини териб кун кўришади. Айримларининг ҳатто тиллари ҳам ҳанузгача ўрганилмаган. Қабилла вакиллари маконларига бегоналарни яқинлаштиришмайди—камондан ўққа тутишади. Ҳатто чангалзорлар устидан учиб ўтаётган вертолётга ҳам ёй отишади.

Зилзила ва цунами пайтида ана шу ороллардаги турар-жойларга ҳам жиддий зарар етган эди. Кўп ҳудудларни сув босган эди. Балки, айрим ҳолда яшаётган қабилалар ҳам жабр кўргандир, деган хавотирда вертолётда текшириб кўрилганида, улар соғ-омон эканлиги аниқланди. Ваҳоланки, ушбу оролларнинг маъмурий маркази бўлган Порт-Блэр шаҳрида минглаб одамлар қурбон бўлишганди.

ХАЛОС ЭТУВЧИ БИЛИМ


Хўш, деярли ибтидоий тарзда ҳаёт кечирган бу қабилалар вакиллари табиий офатдан қандай қилиб жон сақлашди экан? Улардан олимлар билан мулоқот қилишга рози бўлган баъзилари бу борада қизиқ тафсилотларни гапириб беришди.

Ўша машғум кун зилзиладан олдин филлар наъра тортишган, қушлар ва калтакесаклар бесаранжом бўлиб қолишган. Қирғоқ яқинида сузиб юрган дельфинлар эса ўзларининг имо-ишоралари билан одамларга яқинлашаётган фалокатдан хабар беришган. Шунда одамлар тепаликларга кўтарилиб жон сақлаш мумкинлигини англаб етишган. Сабаби қадим-қадимдан етиб келган ривоятларидан бирида ҳайвонлар ўзларини ғайритабиий тутгач, кўп ўтмай мисли кўрилмаган сув тошқини юз бергани ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Кўриб турганингиздек, узоқ ўтмишда ҳам цунамилар бўлиб турган. Бу ҳақда афсонаю ривоятлар тўқилган. Қимматли билимлар шу тариқа авлоддан-авлодга ўтган. Ҳиндистон ҳукумати вакиллари юқоридаги воқеадан сўнг мазкур оролларда истиқомат қилувчи қабилаларнинг маданиятини, билимларини чуқур ўрганиб, бундан келажакда турли хавф-хатарлардан огоҳ этувчи тизим яратишда фойдаланиш керак, деган қарорга келишди.

Хуллас, теваарак-атрофимизда яшовчи турли-туман жониворлар бизга ҳар хил табиат ҳодисаларидан, жумладан, фалокатлардан ҳам хабар бериши мумкин. Фақат уларнинг «тил»ини тушуна олсак бас.

Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.



ЯНГИ НАШР

МУҲИМ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Истиқлол йилларида ушбу институтни ривожлантириш, унинг роли, ваколатлари ва таъсирини кучайтириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар ва қафолатлар тизimini яратишга эътибор кучайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Юртбошимиз мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла, маҳалла кўмиталари ва қишлоқ фуқаролари йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш; мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсади ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Концепцияда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла ва қишлоқ йиғинларининг роли ва ваколатларини кенгайтириш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Юқоридаги устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан 2006 йилнинг февраль-март ойларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун мониторинги ўтказилиб, давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларидан тегишли материаллар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар олинди, таҳлил қилинди. Шунингдек, бу борадаги хориж тажрибаси қиёсий ўрганилди. Бухоро ва Наманган вилоятларида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан яқиндан танишилди.

Мониторинг натижалари бўйича «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг


ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни мониторинги» мавзусидаги китоб тайёрланиб, ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқарилди.

Мазкур китобнинг амалий аҳамияти шундаки, унда илк мартаба юқорида тилга олинган Қонун мониторинги натижалари тизимли таҳлил этилиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида мазкур институтнинг роли ва таъсирини янада кучайтириш, бу борада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳамда мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий-амалий тавсиялар ўзининг ифодасини топган.

Мазкур китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида билдирган қарашлари ва фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни мониторинги натижалари, мазкур Қонун юзасидан ўтказилган саволномалар натижалари, Олий суд умумлашмалари, республика Бош прокуратураси маълумотлари, ривожланган хорижий мамлакатлар Конституцияларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид ҳуқуқий нормалари, қонунни такомиллаштириш юзасидан қиёсий жадвал, шунингдек, мониторинг натижаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати иштирокчиларининг тавсиялари ўриш олган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича муассасалар, суд, адлия, прокуратура органлари, нодавлат ношароат ташкилотлар ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ушбу масалаларга қизиқувчи мутахассислар, қолаверса кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, муҳим амалий қўлланма сифатида хизмат қилади деган умиддамиз.

Ш. РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.



БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йилнинг 10 июль куни ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ота-онасининг қаровисиз қолган 7-8 ёшларда бўлган ўғил бола олиб келинган.

Вояга етмаган билан олиб борилган суҳбатда фамилиясини **Ражабов**, исмини **Дониёр**, отасининг исмини **Баҳодир**, онасининг исмини **Курбоной** деб айтган. Дониёр яқин қариндошлари ва яшаш манзили ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот бера олмайди.

Белгилари: бўйи 85-90 см, кўзлари жигарранг, сочи қора, калта, қошлари қора, қалин, қулоқлари катта.

Кийимлари: эгнида пушти ранг футболка, қизил гулли шим, оёғида оқ кроссовка бор.

Боланинг ота-онаси ёки яқинлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Тел: 8-(260) - 2-40-11



ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ИИББ ТБ йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимида жиноят иши кўриб чиқилипти. Унга кўра 2006 йил 26 июнь куни соат тахминан 22.30да Тошкент шаҳар Учтепа тумани Фарҳод кўчасидаги 17-уй рўпарасида йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, Осиё миллатига мансуб эркак киши олган жароҳати туфайли шу йил 6 июль куни Тошкент шаҳридаги 16-касалхонада вафот этган. Ҳозирги пайтда унинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаяпти.

Марҳумнинг белгилари: ёши тахминан 35-40 ларда, ўртача гавдали, бўйи тахминан 160-165 см, сочи қора, калта, эгнида кўк шим, қора футболка, оёғида шиппак бўлган.

Марҳумнинг шахсини аниқлашга ёрдам берувчи маълумотларни Тошкент шаҳар ИИББ ТБ йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимига хабар қилишларингизни сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 44-уй. **Телефон рақами:** 55-88-85.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОТИ БИРНИНГ ЖОНИ БИР

Бу мақол «Кемага тушганнинг жони бир» мақоли билан маънодош бўлиб, «бир отга мингашиб олган ҳар иккала одам ҳам: «Олиб қочмасмикин, ерга кўтариб урмасмикин, деган хаёлга бориб, хавфсираб, «жон ҳовучлаб» туради», деган маънода қўлланилади.

ОТИ ЙЎҚ - АРПА ҒАМИН ЕМАС

Бу билан: «Бола-чақаси йўқ

(ё бўлса ҳам - кам бўлган) одам уларни боқиш, ош-нони, кийим-кечагини топиб бериш тўғрисида қайғуриб, елиб-юғуриб юрмайди; умуман, кишини хоҳласа-хоҳламаса ташвишлинишига мажбур этадиган, бир нима беришни, бир нима қилишни талаб қиладиган нарсаси ё кимсаси бўлмаган одам кўпда ғам емай, бамайлихотир юраверади», демоқчи бўлади-лар.

МУНАЖЖИМЛАР БАШБОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҮЙ. 21 март - 20 апрель
Ушбу ҳафтада хизмат пиллапоясидан юқорилашингиз мумкин. Атрофингиздаги одамларга ҳадеб ваъда бермаганингиз маъқул. Акс ҳолда кўп вақтингизни уларнинг илтимосини бажариш учун сарфлайсиз. Ҳамкасблар билан баҳслашиш иш унумига таъсир кўрсатишини унутманг.

АРСЛОН. 23 июль - 23 август
Мазкур ҳафтада кутилаётган хабарлар ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин. Раҳбарлар келгуси режаларингиз билан қизиқишади. Вазият тақозосидан келиб чиққан ҳолда иш тутиб, ўзингизни кўрсатишингизга тўғри келади.

ЎЙ. 23 ноябрь - 21 декабрь
Хушмуомалалигингиз катта муваффақиятлар келтиради. Рақибларингиз билан муносабатлар яхшиланиши туфайли ишларингиз олдинга силжийди. Яқинларингиз қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезасиз. Аммо но-чорлигингизни ҳар кимга ҳам ошкор этмаганингиз маъқул.

СИГИР. 21 апрель - 20 май
Ишхонада илгари ўзингиз рад этган лойиҳаларни бажаришга киришингиз эҳтимолдан холи эмас. Танишлар ва ҳамкасбларингиз билан қарама-қаршилиқлар келиб чиқишига йўл қўйманг. Мураккаб вазифаларни уddалаш учун куч-қувватингиз етарли. Юзага келган ҳар қандай имкониятдан унумли фойдаланишни маслаҳат берамиз.

БОШОҚ. 24 август - 23 сентябрь
Ҳафта давомида амалий алоқаларни янада кенгайтирганингиз маъқул. Фақат қўлингиздан келсагина ваъда беринг. Агар сўзларингизни амалда исботламасангиз обрўингизни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Катта ёшдаги одамлар билан баҳслашманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь - 20 январь
Мазкур ҳафтада арзимаган икир-чикирларга эътибор бермай баракали меҳнат қилишга эришасиз. Яширин сақлаб юрган сирларингизни ўзгалар сезиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунлари шаҳардан ташқарида хордиқ чиқаришингиз мақсадга мувофиқдир.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май - 21 июнь
Ушбу ҳафтада таваккал иш тутавринг. Омад сиз томонда. Ҳаётингиз тажрибага эга эканлигингиз муносиб ютуқларни кўлга киритишингизда қўл келади. Барча юмушларни ўз зиммангизга олганингиз маъқул.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь - 23 октябрь
Ҳаётга имкон қадар қулиб боқишингиз зарур. Ҳатто дўстларингиз ранжитишса ҳам кайфиятингизни туширманг. Жума куни юзага келадиган муаммони ички туйғунгизга таянган ҳолда бартараф этасиз. Дам олиш кунлари табиат бағрида хордиқ чиқаришингиз бир олам завқ келтиради.

ҚОВҒА. 21 январь - 20 февраль
Ушбу етти кунликда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, навбатдаги режаларни белгилаб олишингиз муҳимдир. Сиз нафақат ўзингиз, балки атрофдаги одамлар учун ҳам масъул эканлигингизни унутмаслигингиз зарур. Фойдасиз учрашувлардан имкон қадар воз кечинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь - 22 июль
Севган кишингизга нисбатан эътиборлироқ бўлинг. Зеро, у сизнинг меҳрингизга ҳар қачонгидан муҳтож. Воқеалар ривожини мавжуд муаммоларга қай тарзда муносабатда бўлишингизга боғлиқ. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН. 24 октябрь - 22 ноябрь
Эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш учун қулай давр. Ташвишга солаётган масалалар бўйича бир қарорга келишдан аввал жиддий ўйлаб кўринг. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-тоқат билан иш тутишингиз ютуқлар гаровидир. Саломатлигингизни тиклаш учун вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ. 21 февраль - 20 март
Ишбилармон ва қатъиятлигингиз туфайли янги танишлар орттирасиз. Ажойиб учрашувлар кутилмоқда. Ишхонадаги арзимаган икир-чикирларга эътибор берманг. Акс ҳолда ҳамкасбларингизни ранжитиб қўйишингиз мумкин. Хушxabарлар эшитасиз.

9 ИЮЛЬ кунИ Италия ва Франция ўртасидаги финал учрашуви билан Германияда ролпа-роса бир ой давом этган Жаҳон чемпионати маррага етиб келди.

ЗИДАН: «МЕН БАРЧАДАН УЗР СЎРАЙМАН»



Турли-туман кутилган ва кутилмаган воқеалар билан ўтган чемпионат ўйинлари миллиардлаб футбол ишқибозлари учун таассуротларга бой бўлди. Того ва Австралия халқининг хурсандчилиги ҳали анчагача давом этиши аниқ. Украиналиклар учун эса жорий чемпионат бутун умрга татигулик бўлди, десак ҳеч янглишмаймиз. Аксинча, имконияти юқори баҳоланган айрим терма жамоаларнинг мундиални эрта тарк этишгани ўша давлатлар мухлисларини ранжитгани ҳам бор гап. Биргина Бразилияда Роналдиньонинг ҳайкалига ўт қўйишгани фикримизга далил бўла олади. Финал учрашувидаги воқеа эса асрга татигулик хотира қолдирди.

Гуруҳ баҳсларидан қийналиб чиққан Франция терма жамоасининг ишонган хужумчиси, афсонавий Зайнидин Зидан (Зизу) ва италиялик Матерацци футбол мутахассислари учун бир неча ойга етгулик иш топиб берди. Финал учрашувининг 110-дақиқасида биров кўриб, биров кўролмайд қолган бир вазиятда Зидан Матераццининг кўкрагига боши билан шундай зарба бердики, натижада италиялик футболчи бор бўйи билан майсага кулади. Воқеадан беҳабар ҳакам тўртинчи ҳакамдан нима бўлганлигини суриштириб билгач, Зиданга қизил карточка кўрсатди ва майдондан чиқариб юборди.

Ўз феъл-атвори билан минглаб мухлисларнинг меҳрини қозонишга улгурган франциялик буюк футболчининг бу хатти-ҳаракати ўша пайтда ҳамма учун сирлигича қолди. Зидан фақатгина италиялик дарвозабон Буффонга бўлган воқеани айтиб бер-

ди, шекилли, Буффон бошини ушлаганча ўтириб қолди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари воқеани тинимсиз шарҳлашга тушди. Матерацци нима дедики, Зидан уни бу даражада жазолади? Айримлар Матерацци Зиданни «террорист» деб ҳақоратлади, дея оммага маълум қилишди, бошқалар италиялик Зизунинг шаънига қаттиқ тегувчи гап қилди, диний мазҳабини таҳқирлади, дейишди. Босилмаётган баҳс-мунозараларга Зиданнинг ўзи яқун ясади.

Чоршанба кунИ Зайнидин Зидан. Франциянинг Canal Plus каналига интервью берди ва воқеага ойдинлик киритди. Биринчи навбатда у франциялик мухлислардан узр сўради.

«Матерацци менинг онам ва синглимни ҳақорат қилди. Аввалига



ўзимни босдим, аммо у ҳақоратларини тўхтатмади. Нима қилай, чидаб тура олмадим. Мен ўзимни берайиб ҳисобламайман, бироқ Матераццининг сўкиниши жонимдан тўйдириб юборди. Эфирда унинг нима деб сўқинганлигини ҳатто айтиб бўлмайди. Ахир мен эркакман, шунинг учун унга эркакчасига жавоб бердим, — деди Зидан. — Яна қайтараман, миллионлаб томошабинлар ва мени ўзининг суюклиси ҳисоблаган болалар кўз ўнгида нотўғри иш қилдим. Улардан кечирим сўрайман. Лекин мени тўғри тушунасан, агар шу ишни қилмаганим-

да ҳамма Матерацци ҳақ гапни айтган, деб ўйлашарди».

Аммо шунга қарамастан, Зайнидин Зидан ФИФА томонидан чемпионатнинг энг яхши футболчиси деб топилди ва «Олтин тўп» билан тақдирланди.

Фақат Зиданнинг ўзи ва мухлислари кўнглини хира қилган нарса бу — чемпионатдан сўнг футболдан кетишни ихтиёр қилган буюк футболчига том маънода қизил карточка кўрсатилгани бўлди...

Зидан — Матерацци воқеасига кўпчилик ўз муносабатларини билдирди. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Зепп БЛАТТЕР, ФИФА президенти:
— Бўлиб ўтган воқеадан афсусдаман. Ўйлайманки, Зидан ҳам пушаймонда. Унинг хатти-ҳаракатини тўғри тушунаман, лекин бари бир чора кўришга мажбурман.

Жанлуижи БУФФОН, Италия терма жамоаси ва ЖЧ-2006нинг энг яхши дарвозабони:
— Зизу менга бўлган воқеани айтиб бергач, Матераццидан жуда хафа бўлиб кетдим. Мен энди ҳеч қачон у билан бир жамоада ўйнамасам керак.

Дик АДВОКАТ, «Зенит» (Россия) жамоасининг бош мураббийи:
— Мен Зиданни буюк футболчи сифатида биламан ва шу фикримда қоламан. Агар Матерацци менинг ота-онам шаънига ёмон сўзларни айтганда мен ҳам қараб ўтирмасдим.

Малика ЗИДАН, Зизунинг онаси:
— Мен оиласи шаънини ҳимоя қилган ўғлим билан фахрланаман. Агар Матерацци деганларининг гаплари рост бўлса, унга нисбатан нафратим чексиз. Зайнидиннинг футболни бу ҳолда тарк этаётгани биз учун кўнглисиз, албатта, аммо бу оламда футболдан ҳам кўра қимматли нарсалар бор.

Андреас ХЕРРЕР, ФИФА матбуот котиби:
— Бизда Матераццига қарши далиллар ҳозирча йўқ. Аввал биз воқеани тўлиқ ўрганиб чиқишимиз керак. Қолган барчаси миш-миш гаплар. Зиданга нисбатан эса далиллар етарли. Унга қарши интизомий чора кўриш ишлари бошланади.

Марко МАТЕРАЦЦИ, Италия терма жамоаси футболчиси, жабрланувчи:
— Мен уни ҳақоратлаганим рост, айбимни тан оламан. Ўз навбатида ФИФА раҳбариятидан Зайнидин Зидандан «Олтин тўп»ни ва «Жаҳон чемпионатининг энг яхши футболчиси» унвонини олиб қўймасликни сўрадим...

Эркин САТТОРОВ тайёрлади.

ГОЛЛАР:	147
Автогол: 4	Пенальтидан: 13
ЗАРБАЛАР:	1275
Ноаник зарбалар: 760	Аниқ зарбалар: 515
КАРТОЧКАЛАР:	338
Қизил: 27	Сариқ: 311
ОФСАЙДЛАР:	377
БУРЧАК ТЎПЛАРИ:	633
УРИЛМАГАН ПЕНАЛЬТИЛАР:	16

Жаҳон чемпионати кубоги

Кубок 1921 йилда тугилган италиялик Сильвио Гаццанья томонидан яратилган. Унинг дизайни 53 даввогар орасидан энг маъқули деб танлаб олинган. Кубокнинг бўйи 36,8 сантиметр, 18-қаратли олтидан ясалган ва 6,175 килограмм оғирликка эга.

2010 йил Африкада ўтадиган навбатдаги Жаҳон чемпионатининг логотипи

SOUTH AFRICA 2010

FIFA WORLD CUP

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2006. ГЕРМАНИЯ. 9 ИЮНЬ — 9 ИЮЛЬ

A ГРУҲИ

09/06/06	Германия 4:2 Коста-Рика	Мюнхен
09/06/06	Польша 0:2 Эквадор	Гельзенкирхен
14/06/06	Германия 1:0 Польша	Дортмунд
15/06/06	Эквадор 3:0 Коста-Рика	Гамбург
20/06/06	Эквадор 0:3 Германия	Берлин
20/06/06	Коста-Рика 1:2 Польша	Ганновер

B ГРУҲИ

10/06/06	Англия 1:0 Парагвай	Франкфурт
10/06/06	Тринидад ва Тобаго 0:0 Швеция	Дортмунд
15/06/06	Англия 2:0 Тринидад ва Тобаго	Нюрнберг
15/06/06	Швеция 1:0 Парагвай	Берлин
20/06/06	Швеция 2:2 Англия	Кельн
20/06/06	Парагвай 2:0 Тринидад ва Тобаго	Кайзерлаутерн

C ГРУҲИ

10/06/06	Аргентина 2:1 Кот'Д Ивуар	Гамбург
11/06/06	Сербия ва Черногория 0:1 Голландия	Лейпциг
16/06/06	Аргентина 6:0 Сербия ва Черногория	Гельзенкирхен
16/06/06	Голландия 2:1 Кот'Д Ивуар	Штутгарт
21/06/06	Голландия 0:0 Аргентина	Франкфурт
21/06/06	Кот'Д Ивуар 3:2 Сербия ва Черногория	Мюнхен

D ГРУҲИ

11/06/06	Мексика 3:1 Эрон	Нюрнберг
11/06/06	Ангола 0:1 Португалия	Кельн
16/06/06	Мексика 0:0 Ангола	Ганновер
17/06/06	Португалия 2:0 Эрон	Франкфурт
21/06/06	Португалия 2:1 Мексика	Гельзенкирхен
21/06/06	Эрон 1:1 Ангола	Лейпциг

E ГРУҲИ

12/06/06	АҚШ 0:3 Чехия	Гельзенкирхен
12/06/06	Италия 2:0 Гана	Ганновер
17/06/06	Чехия 0:2 Гана	Кайзерлаутерн
17/06/06	Италия 1:1 АҚШ	Кельн
22/06/06	Чехия 0:2 Италия	Гамбург
22/06/06	Гана 2:1 АҚШ	Нюрнберг

F ГРУҲИ

12/06/06	Австралия 3:1 Япония	Кайзерлаутерн
13/06/06	Бразилия 1:0 Хорватия	Берлин
18/06/06	Япония 0:0 Хорватия	Нюрнберг
18/06/06	Бразилия 2:0 Австралия	Мюнхен
22/06/06	Япония 1:4 Бразилия	Дортмунд
22/06/06	Хорватия 2:2 Австралия	Штутгарт

G ГРУҲИ

13/06/06	Жанубий Корея 2:1 Того	Франкфурт
13/06/06	Франция 0:0 Швейцария	Штутгарт
18/06/06	Франция 1:1 Жанубий Корея	Лейпциг
19/06/06	Того 0:2 Швейцария	Дортмунд
23/06/06	Того 0:2 Франция	Ганновер
23/06/06	Швейцария 2:0 Жанубий Корея	Кельн

H ГРУҲИ

14/06/06	Испания 4:0 Украина	Лейпциг
14/06/06	Тунис 2:2 Саудия Арабистони	Мюнхен
19/06/06	Саудия Арабистони 0:4 Украина	Гамбург
19/06/06	Испания 3:1 Тунис	Штутгарт
23/06/06	Саудия Арабистони 0:1 Испания	Берлин
23/06/06	Украина 1:0 Тунис	Кайзерлаутерн

1/8 ФИНАЛ

24/06/06	Германия 2:0 Швеция	Мюнхен
24/06/06	Аргентина 2:1 Мексика	Лейпциг
25/06/06	Англия 1:0 Эквадор	Штутгарт
25/06/06	Португалия 1:0 Голландия	Нюрнберг

1/8 ФИНАЛ

26/06/06	Италия 1:0 Австралия	Кайзерлаутерн
26/06/06	Швейцария 0:0/0:3 Украина	Кельн
27/06/06	Бразилия 3:0 Гана	Дортмунд
27/06/06	Испания 1:3 Франция	Ганновер

1/8 ФИНАЛ

30/06/06	Германия 1:1/4:2 Аргентина	Берлин
30/06/06	Италия 3:0 Украина	Гамбург
01/07/06	Англия 0:0/1:3 Португалия	Гельзенкирхен
01/07/06	Бразилия 0:1 Франция	Франкфурт

1/8 ФИНАЛ

04/07/06	Германия 0:2 Италия	Дортмунд
05/07/06	Португалия 0:1 Франция	Мюнхен
3-ЎРАҚ ШАРАТИ		
08/07/06	Германия 3:1 Португалия	Штутгарт

ФИНАЛ

09/07/06	ИТАЛИЯ 1:1/5:3	Берлин	ФРАНЦИЯ
----------	----------------	--------	---------

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

ИТАЛИЯ миллий терма жамоаси

“Postda” *** E-mail: urmvvd@globalnet.uz 2006


ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР



САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

Хисор тоғ тизмалари гўзал ва мафтункор табиати, бетакрор манзаралари билан қадим-қадимдан кишилар эътиборини ўзига тортиб келган. Бу гўшанинг нодир ҳайвонот ва наботот дунёси, айниқса суви танга роҳат, минг дардга даво бўлган булоқлари чинакам мўъжизадир. Бойсун тумани ҳудудида жойлашган «Омонхона» номи билан машҳур бўлган булоқ ана шундай хусусиятларга эга.



кунга ортиб борапти. Ҳаттоки улар орасида чет эллардан ҳам шифо истаб келаётганлар бор. Афғонистон ва Бирлашган Араб Амирликларидан «Омонхона» маъданли сувига буюртма тушмоқда.

— Булоқ суви менга иккинчи ҳаёт бағишлади, — дейди ўзини Худойкул Жуманиёзов деб таништирган отахон. — Қайта-қайта сариқ касали билан оғрирдим. Касаллик асоратлари жигар циррозига олиб келди. «Омонхона» дардимга малҳам бўлди. Яна ўнлаб беморлар билан суҳбатлашамиз.

Ҳурматли тахририят!

Эшитишимча, Сурхондарё вилоятида «Омонхона» булоғи бор экан. Сувининг шифобахшлиги ҳақида биз томонларда кўп гапиришди. Шу булоқ ҳақида маълумот берсангиз.

Мамажон ИСОҚОВ,
пенсияер,
Фарғона шаҳри.

айлантиришда ҳомийлик қилмоқда. Вилоятдаги лабораторияларда булоқ суви кўп бора таҳлил қилинганда юқори натижалар олинган эди.

Н. А. Семашко номидаги илмий текшириш институти мутахассислари «Омонхона»га тақлиф этилди. Сув таркиби тек-

ган жамият тadbиркорлари сувни аллақачон қадоқлашни бошлашган. 1,5 литр сиғимдаги идишларда қадоқланган маъданли сув аксар хонадонларга аллақачон кириб борган.

— Франция технологи-яси асосида қадоқланган маъданли сувларни асосан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими шифо масканларига, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Хоразм, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисига чекланган миқдорда етказиб бериб турил-миз, дейди сувни қадоқлаш цехи бошлиғи, тажрибали тadbиркор Асқар Эшмуродов. — Ҳозирча цех қуввати етарли эмас.

«ОМОНХОНА» МЎЪЖИЗАСИ

Хўш, бу булоқнинг мўъжизакор сири нимада? «Омонхона» атамасини олис тарихга боғлашди. Эмишки, буюк саркарда Искандар Зулқарнайн Хиндистонга юриши чоғида, юртимиздан ўтаётган пайтда аскарлари орасида тарқалган касаллик туфайли кўшин жиддий талофат кўради. Аммо «Омонхона» сувидан ичган аскарларни хасталик четлаб ўтади. Шу тариқа кўп сонли кўшин булоқ сувидан шифо топади. Худди шундай воқеа буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳарбий ҳаракатлари пайтида ҳам содир бўлган дейишади. Халқимиз орасида булоқ сувидан ичган, унга ювинганлар ҳар хил дарддан фориг бўлади деган ривоят ҳамон авлоддан

авлодга ўтиб келмоқда. «Омонхона» суви минг йиллар оша инсон саломатлигини тиклаш учун бебаҳо шифо воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бу худуднинг нафақат суви, ҳавоси, ҳаттоки тоши ҳам шифобахш, у сўгал ва бошқа дардларга даво бўлади, бифарзандларга фарзанд ато қилади, деб ишонишади.

«Омонхона» мустақиллик йилларида янаям машҳур бўлиб кетди. Дастлаб бу шифобахш булоқдан яқин атрофдагилар, кейинчалик бутун вилоят аҳли баҳраманд бўла бошлади. Жигар, буйрак, ошқозон-ичак, қон босими ошиши каби касалликлар билан оғриган ва юқоридаги хасталиклар

асоратларидан азият чеккан беморлар булоқ сувини ичгач, унга чўмилгач шифо топапти. Айниқса, гепатит касаллигига чалиниб, шифо излаб бу ерга ташриф буюрганлар ҳайратомуз даражада тез орада соғайиб кетишди. Абдураим Тўраев, Адолат Абдуллаева, Ойша Эшмуродова, Ойша Эгамназарова каби ўнлаб жигар циррози ташхиси билан келган беморлар бутунлай касалликдан фориг бўлишди. Бу ерда қандли диабет, қон босимининг ошиши, ошқозон-ичак яллиғланишидан шифо истаб келган беморлар кўпчилики ташкил қилади.

Бу ерга ташриф буюрувчилар сони кундан-

Уларнинг барчаси бу шифобахш булоқ суви туфайли сариқ касаллиги, жигар циррози, қон босими ошишидан шифо топишганлигини ҳаяжон билан сўзлаб беришди.

— Бундан бир ҳафта илгари Узун туманидан келган эдик, — дейди уй бекаси Кундузхон Одинаева. — Ўғлим Собиржон 4 марта сариқ касалига чалинганди. Бу булоқ мўъжиза экан. Ўғлим унинг суви туфайли соғайиб кетди.

Ўғил жилмаяди, она кўзида қувонч порлайди. «Омонхона» мўъжизаси минглаб кишиларга қувонч улашмоқда.

Бойсун туман ҳокимлиги «Омонхона»ни санатория-шифо масканига

ширилганда унда инсон организми учун фойдали бўлган кўплаб кимёвий моддалар, минераллар мавжудлиги аниқланди. Булоқ суви таркибидаги магний-сульфидлар ва бошқа ўнлаб маъданлар кучли ювувчи, қонни тозаловчи, қон айланишини яхшиловчи хусусиятга эга.

Мустақиллик туфайлигина «Омонхона» суви халқимиз саломатлиги учун хизмат қиляпти. Бу ерда 30 ўринли шифо маскани бунёд этилди. Бой тажриба соҳиби, кўп йиллар соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилган Нусрат Худойкулов ушбу шифо масканига раҳбарлик қилмоқда. Бош шифокор атроф-муҳитни боғроғларга, сўлим гўшага айлантириш учун бутун жамоа билан тиним билмай ишламоқда. Айниқса, даволанувчилар учун қулай шарт-шароит яратилган. Беморларнинг саломатлигини тиклаш учун астойдил гамхўрлик қилинмоқда.

Дунёдаги экологик мувозанат бузилганлиги инсон саломатлигига таъсир этмай қолмайди. Мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақалари аҳолиси орасида сариқ ва жигар, ошқозон-ичак хасталикларининг олдини олиш мақсадида «Омонхона» маъданли сувини етказиб бериш тadbирлари кўриляпти. «Омонхона муқаддас булоғи» масъулияти чеклан-



Айни чоғда жаҳон андозаларига мос йирик корхона қурилиши бошланган. Келгусида маъданли сувни қадоқлаш имконияти бир неча барабар ортади. Ушанда «Омонхона» суви жаҳон бозорига чиқади. Дастлабки буюртмачи бўлган Афғонистон ва БАА давлатларининг тadbиркорлари сафига бошқаларни ҳам кўшиш имконияти туғилади.

«Омонхона» шифобахш маъданли булоғи ҳақида гап кетар экан, шубҳасиз бу шифобахш сув энг аввало халқимиз манфаатлари, саломатлиги йўлида хизмат қилмоғи керак. Атиги 30 ўринли санаторий бугунги эҳтиёжни мутлақо қондиrolмайди. Айниқса, ёгин-сочинли кунларда ҳам унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш лозим. Бир неча юз ўринга мўлжалланган шифохона-мехмонхона қурилишини ҳам ниҳоясига етказиш керак. Бу ишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шубҳасиз ташаббускор бўлади, деб умид қиламиз.

Ҳа, «Омонхона» мўъжизаларга бой. Минг дардга даво бу илоҳий булоқ халқимизга хизмат қилаверади, дардманларга дармон бўлади.

Сафарали ОМОНТЎРДИЕВ.

Суратларда: «Омонхона» ҳаётидан лавҳалар.



Мунаввар истиқлолимизнинг ўн беш йиллиги арафасида «Ўтмиш жамиятдан бизга нималар мерос бўлиб қолган эди?» деган савол берилса, кўпчилик «хароб иқтисод» деб жавоб қайтариши аниқ. Чиндан ҳам совет тузуми бизга алмисокдан қолган техника билан жиҳозланган қоқоқ ва пароканда саноатни, тупроқ таркиби бангидай бўлиб қолгани сабабли унмдорлик ғоят пасая бошлаган қишлоқ хўжалигини мерос қилиб қолдирган эди. Биз ҳозир иқтисод соҳасида энгиб ўтган тўсиқларни гапирамиз, ютуқлардан фахрланамиз.

Мерос ҳақида гапирганда маънавий соҳасидаги парокандаликни ҳам ёдга олишимиз зарур. Болшевикларнинг бузуқ мафкуриси жамиятни оғир аҳволга олиб келган эди. Жиноятчиликнинг ғоят ваҳшийлашиб бориши фикримизнинг далили. Совет тузуми парчалангандан сўнг кўпгина республикаларда бу жино-

ятчилик мероси «гуллаб-яшнади». У жойларда ҳозир ҳам уюшган жиноятчилик ўз сўзини айтиб турибди. Бизнинг юртимизда бу мероснинг нақадар аянчли экани ўз вақтида билинди. Республика раҳбариятининг аниқ кўрсатмалари, ички ишлар ходимларининг фидойи хизматлари туфайли жиноятчиликка зарба берилди. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ютуқларини бошқа ерларда ҳам тан олишди. 90-йилларда машҳур тележурналист Листьев ўлдирилганда Россия Президенти Ельцин телеведение орқали гапириб, Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берган эди.

Ҳа, ички ишлар ходимларининг ютуқлари таҳсинга лойиқ. Аммо афсуски, бу ютуқларни акс эттирувчи бадий асарлар кам яратилган. Бу соҳада адабиётимиз милициядан қарздор, деган бўлардим.

Ёзувчи Мурод Тиллаевнинг ижодини кузатсак, ана

шу қарздорликка барҳам беришга уринишни кўрамиз. Бир қанча бадий асарлари, шунингдек, публицистик асарлари билан Муроджон кўпнинг эътиборини тортди. Ёзувчининг «Ажал дарёси» деб номланган янги ҳужжатли қиссаси ҳам бу соҳада ибратли қадам бўлибди. 90-йилларда барчани ларзага солган жиноятнинг очилиши – фош этилиши аллақачон адабиётда ўз аксини топиши шарт эди. Муроджон бу мавзунини ўзига хоҳ услубда баён этибди. Асарда жиноят оламининг асл башараси аниқ бўёқларда чизилган. Бу билан милициямиз қандай оғир вазифани адо этгани кўринади.

Ёзувчи укамизни янги асар яратилгани билан қутлаб, газетхонлар олқишига сазовор бўлади, деб умид билдирамиз.

Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

199... йил. Кеч куз. Атрофни қартайган фаслнинг сўнгги илинжи – сарғайган япроқлар қоплаган. Улуғвор бир сокинлик, жимлик ҳукмрон.

Тошкент вилоятининг қўшни республикага туташ ҳудуди орқали ўзани Қоржонтов тоғ тизмасидан бошланувчи Келес дарёси оқиб ўтади.

Асрлар давомида кучли оқим туфайли дарёнинг ўзани ва қирғоқлари ўзгариб туради. Поёнсиз чакалакзорлар, дарахт ва буталар қоплаган жарликлар кўп бу ерда. Дарёнинг ҳар икки қирғоғидаги қамишзорлар хазон фасли адоғида сарғайиб, қуриб бормоқда. Изғиринда қамишлар гўё жон талвасасида чайқалиб, фарёд чекаётгандай. Агар одамзод табиатнинг тилини осон тушунганида эди, балки кўп хавф-хатарни олдиндан сезармидик?

Аслида бу фарёд қирғоқдан эшитилаяптими? Ё, тавба! Қирғоққа яқинлашганингиз сайин ғалати нолалар аниқтиник қулоғингизга чалинаверади. Беихтиёр дарё билан савол-жавоб бошлайсан:

– Ҳайқираётган сенмисан, дарё? Ноланг худди инсон қичқиригига ўхшайди-я!

– Ҳа, менман.

– Нега бунча безовтасан?

– Бағримни мусибат тилмоқда, кўрганинг сув эмас, қон-ку!

– Наҳотки, биз сени йиғлатдикми, бағринг тўла қон, кўзинг тўла ёшми?

– Нимасини айттай, мусибат ҳамини мусибат-да! У ҳақда сўйлаш оғир.

– Сўйла, дарёгинам, сўйла, бугун мен сени тингламоқчиман...

– Додимни эшитгани сабринг етармикан?

– Етади. Шу азиз юрт, шу замин, сенга матонатим, қаноатим бахшида бўлсин!

... Шу кунни махсус тезкор гуруҳ таркибида муҳим топшириқ билан елиб-югуриб юрган подполковник Шокарим Усмонов то тонгта қадар дарё бўйида қолиб кетди. Қирғоққа урилаётган сув томчилари гўё дарёнинг кўз ёшларига ўхшаб кетарди. Тавба, дарё ҳам йиғларканда-а?

Мурод ТИЛЛАЕВ

АЖАЛ ДАРЁСИ

Ҳужжатли қисса



ЧИЯБҮРИЛАР УЯСИ

Дарёнинг чап қирғоғини туртиб чиққан чўзинчоқ тепалик ярим оролга ўхшаб кетади. Атрофи юлғун, қамишлар билан қопланган. Баҳор ёки ёз ойларида тўқайзорда ҳеч нарса кўз илғамасди. Сарғайган қалин қамиш ва юлғунлар орасида ёлғиз бир нуқта кўринади. Эрта тонгданоқ яна қидирув ишларини бошлаб юборган подполковник Усмонов хомуза тортди. Камзулига ўраниб, тун бўйи дарё бўйида ухлаб қолибди. Кеча осуда ўтди, лекин шу яқин-атрофда қандайдир мудҳиш ҳолатлар рўй берётганини ич-ичидан ҳис этарди. Наҳотки, яна ёвузликлар давом этаётган бўлса?

... Усмонов шу хаёллар билан ялангликка чиқди. Бироз юргач кўзлаган манзилига етиб келди. Ҳалиги, узоқдан қоп-қора нуқта бўлиб кўринган жой вагон-уй экан. Худди қора сақич-мумга ўхшайди-я! Ким уни бунақа хунук рангга бўяган экан? Бу нима ўзи, балиқчилар қароргоҳими? Унда нега қирғоқдан

чеккада, панада жойлашган? Худди атайлаб шу ерга ўрнатилгандай...

Подполковник вагон-уй атрофини уч-тўрт марта айланиб, уни диққат билан кўздан кечирди. Эшикни бир-икки тақиллатиб кўрди – тақа-тақ берк. Қизиқ... Қора рангдаги деразани ҳам тақиллатиб кўрди – ҳеч ким йўқ. Ичкарига мўралади – ҳеч нимани кўролмади. Худди жумбоқнинг ўзи-я?

Ҳайратта тушган подполковник атрофга яна бир сидра синчиклаб разм солди. У кўрмаган, кўролмаган нарсалар ҳам бор эди бу ерда.

Мана, улардан бири оролнинг чап томонида сарғайиб, чириб кетган юлғунлар, буталар билан қопланган. Унинг орти кўз илғамас хилваттоҳ. Шу жой атайлаб танлангани аниқ...

Майли, ортиқча эҳтирос, тафсилотларга берилмайлик. Бу ер – уя. Аниқроғи, чиябўрилар уяси. Улар ўн чоғли. Ўзлари инсон қиёфасида бўлсалар-да, феъл-атворлари чиябўрига хос. Қалин тўқайда бекиниб ётадилар-да, овга чиқадилар. Мақсад-

лари – тайёр ўлжага эга бўлиш.

...Подполковник Усмоновнинг хаёлидан шунга ўхшаш турли ўйлар кечди. Қизиқ. Тўқайзор ва вагон-уй. Унда кимлар яшайди? Одам яшайди-ми ўзи? Хўш, қайси пайтда? Буни зудлик билан аниқлаш керак!

Усмонов оролчадан узоқлаша бошларкан «Катта ерга, бошлиқларга бу ҳақда тезда хабар бериш керак!...» деган ўй ўтди хаёлидан.

СОҲИЛДАГИ СИРЛИ ВОҚЕА

Дарвоқе, бугун қайси кун ўзи? Ҳа-я, ноябрь ойининг тўртинчи куни: муродбахш чоршанба.

Икки дўст – Хусанжон ва Қахрамон азалдан қадрдон. Лекин бу тушунча рамзий маънога эгадек кўринади. Сабаби, Хусанжон еттинчи синфда ўқийди. Қахрамон ундан уч ёш катта. Бу йил насиб этса, мактабни битиради.

Икки дўстни ўзаро боғлаб

турган бир ришта бор. Бу – қизиқишлар дунёси. Хусанжон ҳакам – судья бўлмоқчи. Ўзига тўқроқ оилада сал эркатой бўлиб ўсган Қахрамон эса ўзининг айтишича, «прокурор»-ликка ихлос қўйган.

...Бугун эрта саҳардан икковлон келишилганидек дарё ёқасида учрашишди. Мақсад – балиқ ови. Жуда қизиқарли, ажойиб машгулот-да ўзиям. Ёнма-ён ўтириб, сувга қармоқ ташлашади. Қармоққа битта-яримта балиқ илингунча хаёлан дунёни кезиб чиқасан, киши. Ҳар икковларига ҳам шуниси маъқул.

Бир-бирларига унсиз тикилганча ўтирадилар. Қоидаси шунанча ўзи. Мабодо беихтиёр акса уриб юборсангиз ҳам балиқларни чўчитиб юборишингиз мумкин.

Кутилмаганда осудаликни Қахрамоннинг овози бузди.

– Хусан...

– Ҳа...

– Ҳув анавун кўрпсанми?

– Йўқ...

– Яхшироқ қара, ҳув анаву, ўртадаги нима?

– Ҳа, кўрдим... нимаиди?

– Нима экан у?

– Бирор бута оқиб келаётган дир-да!

– Йўқ, бутага ўхшамайди.

Оғайнилар дарё ўртасидаги ҳалиги қора нарсдан кўз узмай қирғоқ бўйлаб юриб кетишди. Сув тўлқини «бута»ни аста қирғоқ томонга сура бошлади...

Ниҳоят, у икки оғайнига яқин келиб қолди.

– Қахрамон, – пичирлади «бута»га нигоҳи тушган Хусан.

– Қахрамон ака!..

Хусан ўгирилиб қараса, дўсти чангалзорлар оралаб ҳалпиллаганча чопиб борапти.

– Тўхтанг, Қахрамон ака!..

Бироқ Қахрамон дўстининг гапини эшитмагандек ортига қайрилмади, катта йўл томон шамолдек учиб бораверди. Хусан пешонасида ногаҳон пайдо бўлган терни дастрўмоли билан артиб, унинг ортидан югуриб кетди...

(Давоми бор).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши республика ИИБ ЁХББ бошлиғи, полковник А. Исломовга падари бузруквори

ИБОДУЛЛА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси шахсий таркиби Бош бошқарма бошлиғи, полковник А. Исломовга падари бузруквори

ИБОДУЛЛА отанинг


вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Шофиркон тумани ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, капитан А. Нейматовга онаси


КУРСИЯ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

КРОССВОРД



Ёйлар бўйича: 1. Ижтимоий асбоби. 10. Табобат соҳаси. 15. фан. 3. Спорт ўйини. 7. Деталнинг Катта куч, қувват. 16. Австралия йўғонлиги ёки диаметрини ўлчаш автомобил русуми. 17. Эскирган,



Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми?

Марҳамат!

Мурожаат
учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



истеъмолдан чиққан сўз. 18. Дунё томонларини кўрсатувчи асбоб. 29. Бибиҳонимнинг асл исми. 30. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Олтин зангламас» романи муаллифи.

Диагоналар бўйича: 2. Осиё жанубидаги давлат пойтахти. 4. Африкадаги давлат. 5. Миллий таом. 6. Саломатлик фаолиятидаги тадбирлар мажмуи. 8. Ички ёниш двигателини юргизиб юборувчи мослама. 9. Осиё жанубидаги оролларда яшовчи миллат. 11. Тоғдаги горлик жой. 12. Дўст. 13. Урма соз. 14. Нил дарёсидаги тўғон. 18. Ақлий спорт ўйини. 19. Деворий суратлар мажмуи, санъат. 21. Эчки терисидан тайёрланадиган ашё. 22. Назмий асар тури. 23. Ўртаер денгиздаги орол. 24. Орасталик буюми. 25. Мевазорни чуқур қилиб ағдариб ҳайдаш. 26. Маънодош сўзлар. 27. Кўкат экин. 28. Халқ рақс куйи.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



Доноларнинг айтишича, лайлақлар тинчлик барқарор жойни макон тутишар экан. Донолар ҳақ!

МУЛОҲАЗА

КЎЙЛАК КИЙГАН КУЧУКЛАР


Хадра майдонидан ўтиб кетаётган, цирк биноси олдида кўрсатилаётган томошаларга кўзим тушди. Ҳайвон ўргатувчи аёл ҳовлида кучуқларни олов ҳалқа ичидан сакратар, икки оёғида тик тургазар, эмаклатар, хуллас, барчанинг эътиборини тортишга уринарди. Менга ҳаммадан кўра кучуқларга бежирим кўйлақлар кийдирилгани қизиқ туюлди. Тилсиз бу жониворларда уят бормиди? Ахир улар шарм-ҳаё нималигини билишмайдик-ку! Бироқ кимдир итлар икки оёқлаб юрганида авратлари кўриниб кетишини тушуниб, эл ҳижолат бўлмасин, деб кўйлақ кийдирган.

Очиқ бўлиши керак бўлган жойни-да ёпган кучуқларни тарбиялаган аёлдан хурсанд бўлиб кетдим.

Томошани кузатиб турганлар орасидаги қизларга кўзим тушди. Шимнинг пасти тиззадан, юқориси... пастлаган. Орқа очик, олд очик, тепа очик, паст очик... «Қизларим, бу юриш нимаси? Озгина ҳаёли бўлинглар, ахир!» дейишим билан «Сизга нима, йўлингиздан қолманг», дея гапимни ёқамга ёпиштиришди.

Ёпиқ бўлиши керак бўлган жойни-да очиб кўйганлардан, уларни тарбияла...маган ота-оналаридан хафа бўлиб кетдим...

Исмоил АБДУЛЛАЕВ,
меҳнат фахрийси.



Агар Сизга чет давлатда ишлашни таклиф қилиб, юқори маошни ваъда қилишса

АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ!

Долзарб алоқа телефон рақамлари:

Тошкент	(371) 366-94-44
Андижон	(3742) 24-10-72
Бухоро	(36522) 3-27-80
Гулистон	(3672) 25-16-35
Жиззах	(37222) 6-02-70
Навоий	(43622) 3-49-40
Нукус	(36122) 2-91-98
Самарқанд	(3662) 33-58-84
Термиз	(37622) 7-27-71
Урганч	(36222) 5-66-14

ҚУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАНГ!

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва рангбаранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирок қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.

Огоҳ бўлингизки, карим ва ҳурматли, вафодор одамни йўқотиш эр кишига вафотдан кўра ҳам оғирроқдир.

Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан, яхшиси, унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғусию заҳматидан қутуласан.

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса, ҳалокатга гирифтормур.

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.

Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам саҳий ва салим бўлур.

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар.

Низо ва нифоқ мавжуд жойда ноҳушлик бўлар, қайту-ҳасрату фақирликка тушилур.

Сен залолат тўлқинига ўзингни уриб сузсанг, сени фақат кўп тоат-ибодату тасбеҳлар қутқазур.

Ақлли, гофил кишининг (сукут сақлаб) эжим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.

Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифторм бўлса-да, хор бўлмас.

О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Sa'dulla Shodiyev**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kezgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2614. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma toboq. 54260 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.